O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KIYOB PALATASI INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 30-iyul, chorshanba | № 61 (7566)

Da'vat

Inson uchun bilim orttirishning o'zi kifoya emas, olingan bilimni taraqqiyot yo'lida sarflashni ham bilmoq lozim.

Iogann GYOTE

Ibrat

Qiziltepa tumanidagi "Nurafshon" sho'ba korxonasi S.Ayniy nomidagi maktabda tashkil etilgan yozgi oromgohda 200 nafar o'quvchining bepul dam olishiga homiylik qildi.

ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ – БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимизда ушбу муборак санани бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқариш, юрт ободлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган эзгу юмушларни адо этиш билан муносиб кутиб олиш хайрли анъанага айланган.

Истиқлолимизнинг 12 йиллик тўйи тантаналарини кўтаринки руҳда кутиб олишда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, барча соҳаларда эришаётган улкан ютуқларимиз, айниқса, муҳим омил бўлмоқда.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказилган мажлисида таъкидлаганидек, ўтган даврда республикамизда кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Барқарор иқтисодий ривожланиш давом этаётир. Макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий жабҳалар билан бирга ижтимоий соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиляпти. Олис ва шонли тарихимизни, неча минг йиллик миллий қадриятларимизни, буюк аждодларимизнинг муборак номлари ва улуғ меросларини эъзозлаш, тиклаш ва абадийлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларимиз ўртасида маънавий-маърифий тарбияни кучайтириш, улар онгу шуурига Мустақилликни қадрлаш ва асраб-авайлаш, Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдириш, шунингдек, кишиларимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтириш доимий эътиборда.

Ёш авлодни соғлом ва эркин фикрли, кенг тафаккурли, баркамол, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган инсон этиб вояга етказишдек хайрли иш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси, шак-шубҳасиз, олий мақсадимиз эл-юртимизнинг турмуши, ҳаёти ва фаровонлигини тараққий топган демократик мамлакатлар даражасига кўтаришга қаратилган. Бу йўлда эришган ютуқларимиз эса ана шу буюк мақсад сари дадил одимлаётганимизнинг далолатидир.

Бундай ҳаётбахш ўзгаришлар Истиқлол шарофати туфайлидир. Шундай экан, халқимиз орзиқиб кутадиган кун - Мустақиллик байрами муносабати билан бу йил ҳам юртимизда кенг миқёсли тантана ва тадбирлар ташкил этилаётгани бежиз эмас.

Айтиш жоизки, асосий эътибор мамлакатимиз бош майдонида бўлиб ўтадиган катта байрам тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишга йўналтирилган. Истиқлолимизнинг 12 йиллиги ҳар галгидан ҳам жозибали, шукуҳли, бетакрор ўтиши учун бу ерда барча ташкилий, қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек, бадиий-саҳна томошалари тайёргарлиги авжида.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ана шулар ҳақда фикр юритилди.

Ҳар галгидек Президентимиз томонидан комиссия аъзоларига Мустақиллик байрамини ўтказиш борасида берилган аниқ топшириқлар асосида Республика миқёсидаги чора-тадбирлар дастури қабул қилинди. Тадбирлар "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизникидир!" шиори остида ўтказилиши таъкидланди.

Бу йилги асосий байрам тантаналарида истиқлол йилларида эришган ютуқларимизни, миллий ғоя, ватанпарварлик, фидойиликни мадҳ этувчи, Обод маҳалла йилида амалга оширилаётган эзгу ишлар, бунёдкор ёшлар ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бадиий дастурлар намойиш этилади. Байрам баҳона санъатимизнинг янги қирралари намоён бўлади, янги-янги истеъдодлар кашф этилади. Замонавий куй-қўшиқлар, жозибали рақслар, ранг-баранг томошалар яратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида байрам тантаналари ҳамда халқ сайлларини ўтказиш учун қизғин ҳозирлик бормоқда.

Байрам арафасида анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Анъанавий "Ўзбекистон - Ватаним маним" кўшиқ байрамининг якуний концерти ҳамда "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлган истеъдодли ижрочиларни тақдирлаш маросими ўтказилади.

(Давоми 2-бетда)

Катталар ҳаётнинг сир-синоатларини китоблардан ўрганишса, болалар ўз олдида турган митти ташвишларию муаммоларига ечимни ўйинчоқлар дунёсидан топади. Шунинг учун мактабгача таълим муассасаларини доимо янги-янги ўйинчоқлар билан бойитиш масаласи долзарблигини йўқотмайди. Суратларга бир қаранг-а, болажонлар лабиринт орқали ўнқир-чўнқир йўллардан ўтиб бўлса-да, манзилни топишга ҳаракат қилишаяпти. Бу уларнинг сабру бардошини тарбиялайди. Кичкина бўлса-да, йўл ҳаракати қоидаларини синчковлик билан ўрганаётган кичкинтойларнинг кўпайиши эса, йўл ҳаракати билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг камайишига олиб келади. Шунингдек, турли хил фикр ўстирувчи, тафаккурни ривожлантирувчи ўйинчоқлар билан машғул бўлаётган мана бу болалар ифодали ва атроф-муҳитга бефарқ бўлмасдан улғаядилар. Албатта, ўйин фаолиятида мақсад ва мазмун уйғунлашган бўлса, айтиб ўтганимиз натижаларга эришилади.

Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз!

Ислом КАРИМОВ

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИМКОНИЯТ

Юртбошимизнинг ушбу фикрлари ҳали мамлакатимиз энди озодлик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олаётган, халқимиз эркнинг қадрига етаётган айни бир пайтда юрт-дошларимизга қарата айтилган чақириқлари эдики, бусиз миллатнинг нафақат эртаси, балки бугунини ҳам тасаввур қилиб бўлмасди.

Албатта, таълим-тарбия ҳар қачон долзарб масала. У жамият эртасини, унинг равнақи ёки аксинча, таназзулини белгилашга қодирдир. Шу боис ҳамма давр ва замонда мактаблар жамиятнинг таянч бўғини ҳисобланиб келинган. Зотан, бугун уларда "Алифбе"дан сабоқ олаётган жажжи ўғил-қиз нигоҳида келажакнинг акси бор. Бу эса зиммамиздаги масъулият юкини янада оширадики, улар тақдирига бефарқ бўлишимиз миллатнинг ўқ илдизига болта уриш билан баробардир. Айни шу сабаб халқ-нинг буюк келажаги, Ватан бахт-саодати учун бош қотирган ҳар бир фарзанд юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларга ўзлари ўрнак бўлган ҳолда яратувчанлик ишларига даъват этиш, шу муқаддас замин учун жони ва молини садқа қилишга шай бўлмоғи лозим.

Сир эмаски, юртимиз ўз эркини қўлга киритгунга қадар собиқ Иттифоқ ҳукумати томонидан фарзандлар таълим-тарбиясига бир томонлама ёндошилар, баъзи шаҳар мактабларини ҳисобга олмаганда мазкур таълим даргоҳларига эътибор сусайиб кетганди. Бу жойлардаги ўқувчиларнинг асосий қисми қишлоқларда яшаганлиги боис уларнинг аксарияти бир неча ўн йиллар олдин амал-тақал тарзида пахса девордан тикланган кўримсизгина мактабларда ўқиганликларида ҳам кўринади. Тўғри, ушбу йилларда ҳозиргидан кўра кўплаб мактаблар қурилганлиги рост. Бироқ афсусланарлиси, бунёд этилган иншоотларнинг аксарияти номигагина фақат қайсидир қайднома учун қурилганлиги боисми сифат жиҳатдан замон талабига мувофиқ келмас эди. Мактабларнинг моддий-техника базаси тўғрисида эса гапириб ўтиришнинг ҳам ўрни эмас. Чунки бу борадаги вазият таълим даргоҳларининг ташқи кўринишидан ҳам ночор бир аҳволда эдики, айни ана шу кечиктириб бўлмас муаммоларни тез муддатда ҳал этиш ёш мустақил давлатимиз гарданига тушди. Юртбошимиз томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ғояси ўртага ташланишига ҳам асосий сабаб юқоридаги ҳолат эди: ўқув муассасаларининг ночор аҳволи бир томон бўлса, кадрлар сифати ҳам у даражада мақтанарли ҳолатда эмас эди. Булар ҳақида юртимизнинг солиҳ фарзандлари ўша, халқ эрки топталган даврларда ҳам ўйлаганлиги, бироқ мустабид тузум бунга йўл қўймаганлиги бизга маълум.

(Давоми 2-бетда)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ДАРСЛАРДАГИ ЯНГИ УСУЛЛАР 2-бет

КУТУБХОНАЧИЛИК: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ШАХСНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ 4-бет

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ: БОҒЧАЛАРДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ? 6-бет

ДЕКАНЛАР ЙИҒИЛИШИ: У ТАЪЛИМ СИФАТИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР ЭТАДИ 6-бет

БОЛАНИНГ КЎНГЛИ БИЛИМДА, ОТА-ОНАНИНГ-ЧИ? 8-бет

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

QAROR

O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Kengashining Ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n ikkinchi sessiyasini chaqirish to'g'risida qarori qabul qilindi. Unga ko'ra, ikkinchi chaqiriq O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining o'n ikkinchi sissiyasi 2003-yil 29- avgust kuni Toshkent shahrida chaqiriladigan bo'ldi.

HAY'AT MAJLISI

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasida kengaytirilgan hay'at majlisi bo'lib o'tdi. Unda Prezidentimiz Islom Karimovning Vazirlar Mahkamasida yarim yillik yakunlariga bag'ishlab o'tkazilgan majlisdagi ma'ruzasida mamlakatda qonuniylik va huquqtartibotni yanada mustahkamlash, jinoyatchilikka qarshi kurashni, fuqarolarning huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishni kuchaytirish borasida qo'yilgan vazifalarning ijrosiga oid masalalar muhokama qilindi hamda prokuratura organlarining 2003 yilning birinchi yarmidagi faoliyati yakunlari tahlil etildi.

(Davomi 2-betda)

ТАЪТИЛДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНЯПСИЗМИ?

Ёзги таътилда ҳар бир ўқувчи ўзи хоҳлаган юмушлари, қизиқишлари билан банд бўлади. Кимдир тоғ ён бағирларида дам олади, кимдир ўз билими устида янада кўпроқ изланади. Кимдир спорт билан, яна кимдир эса уй юмушлари билан шуғулланади. Абитуриентлар эса олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириш учун тайёргарлик кўрадилар. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари-чи, улар нима билан банд эканлар? Шу ҳақда маълумот олиш учун Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги хорижий тиллар Юнусобод академик лицейи ўқувчилари билан яқиндан суҳбатлашиб, ёзги таътилни қандай ўтказаётганликлари билан қизиқдик.

Академик лицейнинг 2-курс ўқувчиси ***Индира Тожибоева*** *ёзги таътилни самарали ўтказишга ҳаракат қиляпти. У буюк алломаларимизнинг "Ёшликда олган билим тошга ўйилган нақшдир" деган ўгитларини ўзига шиор қилиб олган. Индира айни кунда пойтахтимиздаги Ҳиндистон маданият марказида таҳсил олаяпти, мақсади — келажакда Ўзбекистон ва Ҳиндистон алоқаларининг янада мустаҳкамланишига озми-кўпми ўзининг ҳиссасини қўшиб, Индира Шарқ тиллари орасида ҳинд тилига меҳр қўйганлиги боис, уни чуқурроқ билиш мақсадида таътил вақтида ҳам ўрганишни давом эттираяпти. Лицейда олаётган билимларини янада мустаҳкамлаш ниятида ҳинд маданият марказига қатнаяпти. Индира ана шу билим масканида ўқиш билан чегараланиб қолмай, ўзимизнинг ўзбек шоирларининг асарларини ҳам мутолаа этиб турибди. Индира ёзги таътилини ана шундай мароқли ва мазмунли ўтказаётганидан беҳад мамнун.*

Ёшлар ичида чет эл-ўлкага киритди.

Диана Пирназарова *ҳам шу лицей ёшлари сингари ёзги таътилини мазмунли ва самарали ўтказишга интиляпти. У япон тили ўқитувчиси Юко Камацу хоним бераётган таълимдан унумли фойдаланаяпти.*

Юко хоним билан биргаликда япон миллий таомларини пишириш усулларини ўрганаяпти. Лицейдаги компьютер сабоқларига ҳам қатнашиб турибди. У ҳам бошқаН тенгдошлари билан биргаликда лицейни ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссасини қўшаётганидан хурсанд. Диларда дам олаётган ўқувчилар ҳам бор. Шу лицейнинг 2-курс ўқувчиси ***Роман Ким*** *корейс тилини ўрганаётган ёшлар ўртасида бўлиб ўтган иншолар кўрик-танловига қатнашди. У танлов шартларини муваффақиятли бажариб, ёзги таътилда икки ҳафтага Жанубий Кореянинг пойтахти Сеул шаҳрига саёҳат қилиш имконини қўлга киритди.*

Чарос Исабоева *3-курсда таҳсил олади. У бу йилги ёзги таътилда жуда мароқли дам олаяпти. Таътил кунлари бўлганлиги сабабли ҳар доимгидан кўра кечроқ уйғониб, онасига уй юмушларида кўмаклашаяпти. Ҳафтанинг тоқ кунларида "Булоқ" сув ҳавзасига бориб, у ерда сузишнинг брасс, крол, дельфинча усулларини ўрганмоқда. Худди шу кунлари "Жар" спорт мажмуасида шейпинг машғулотлари билан ҳам шуғулланмоқда.*

Ҳа, албатта, ёз кунларида спорт билан шуғулланган киши тетик ва ана нафақат тилга, балки чет эл ёзувчиларининг асарларини мутолаа қилишга ҳам қизиқади. Айни шу кунларда Софоклнинг "Антигона" трагедияси, Жек Лондоннинг "Шимол ҳикоялари" ва Данте Алигьерининг "Илоҳий комедия" поэмаларини иштиёқ билан ўқиб чиқиб, бир олам таассуротлар олди.

Юлдуз РАҲМОНБЕРДИЕВА, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 2-босқич талабаси

Yozgi ta'til

БЎШ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ЎҚУВЧИ

Унга қандай ёрдам берилади?

Dolzarb mavzu

Маълумки, Давлат таълим стандартлари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим мазмунига ҳамда сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди. Унинг тўлиқ бажарилишини таъмирлаш эса, барча таълим муассасалари учун мажбурийдир. Савол туғилади: хўш мазкур масъулиятли вазифани амалга ошириш борасида жойларда қандай изланишлар олиб борилмоқдаю, юзага қалқиётган муаммолар, йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар нималардан иборат бўлмоқда?

Ушбу саволларга жавоб излаш мақсадида яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ДТСМ бошқармаси ходимлари томонидан Жиззах ва Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаларининг 2002-2003 ўқув йили якуни бўйича ДТСни ўқув-тарбия жараёнига жорий этиш билан боғлиқ фаолиятлари ўрганилди ва ҳайъат йиғилишида муҳокама қилишди.

2002-2003 ўқув йилининг якуни бўйича ўтказилган мониторинг натижаларига кўра мазкур текширув ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малака (БКМ)ларни ДТСда белгиланган таълим минимумлари даражасида ўзлаштиришнинг умумий самарадорлиги Самарқанд вилоятида 74,1%ни, Жиззах вилоятида эса 69,1%ни ташкил этди. Эътиборлиси, 2001-2002 ҳамда 2002-2003 ўқув йилларида, ҳар иккала вилоятда ҳам ДТС талабларига мувофиқ БКМларни тўлиқ (*100%га*) ўзлаштирган ўқувчиларнинг сони синовда қатнашганларнинг умумий сонига нисбатан жуда кичик қисмини ташкил этган. Самарқанд вилоятида 2001-2002 ўқув йилида 2,7% ни Жиззах вилоятида эса 0,6% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич кейинги ўқув йилида Самарқанд вилоятида 2,1% ни, Жиззах вилоятида эса 0,4% ни ташкил этган, холос. Демак, бундай ўқувчиларнинг умумий сони маълум сабабларга кўра, Самарқанд вилоятида ҳам, Жиззах вилоятида ҳам камайган.

(Давоми 3-бетда)

"Istiqlol ko'zlari tiyrak boladir, Ming yillik tarixdan saboq oladir".

O'tgan vaqt mobaynida hukumatimizning ayni sohaga e'tibori bois qariyb 4 mln. nafar 1-sinf o'quvchilariga o'quv qurollari va 2,2 mln. nafar kam ta'minlangan oila farzandlariga issiq kiyim-bosh etkazib berildi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

YIG'IN

Toshkent shahar hokimligida mamlakatimizga tovarlarning noqonuniy yo'llar bilan olib kirilishiga qarshi kurashni kuchaytirishga oid masalalarga bag'ishlangan yig'ilish bo'lib o'tdi.

JIZZAX MARRADA

Jizzax viloyati g'allakorlari davlatga g'alla sotish shartnoma-rejasini bajarib, davlat qabul punktlariga 268 ming 400 tonnadan ortiq sara don etkazib berdi. Bu yil jizzaxliklar har gektar yerdan o'rtacha 36 sentnerdan hosil oldilar.

MAGISTR HARBIYLAR

Toshkentdagi Markaziy Ofitserlar uyida Markaziy Osiyoda yagona bo'lgan O'zbekiston Qurolli Kuchlari akademiyasining bu yilgi bitiruvchilariga diplomlar topshirish marosimi bo'lib o'tdi. 60 nafar magistrlar shu yerning o'zida harbiy qismlarga yo'llanmalar olishdi.

MUSTAQILLIK TUHFALARI

Mustaqillik bayrami arafasida Chinoz tumanida yana ikkita qishloq shifokorlik punkti foydalanishga topshiriladi. Bular Sobir Rahimov shirkat xo'jaligidagi 5 ming kishiga xizmat ko'rsatuvchi shifoxona va Oxunboboev nomidagi shirkat xo'jaligining Yallama qishlog'ida qurilayotgan vrachlik punktlaridir.

TUPROQQAL'ADA KOLLEJ FILIALI

Xorazm viloyatining Tuproqqal'a dahasida Hazorasp tumanidagi pedagogika kasb-hunar kollejining filiali ochildi. O'sha kuni bu yerda mahalliy umumta'lim maktablarinjng bitiruvchilari va ularning ota-onalari uchun ochiq eshiklar kuni o'tkazildi.

QARSHIDA XALQARO KUTUBXONA

Qarshi shahrida xalqaro kutubxona o'z faoliyatini boshladi. Unda ingliz tilidagi tarix, san'at, madaniyat va iqtisodiyotga oid 1000 ta turli xil badiiy o'quv adabiyotlari, va 80 ta videokassetalar mavjud.

Milliy istiqlol g'oyasi

ДАРСЛАРДАГИ ЯНГИ УСУЛЛАР

Маълумки, миллий истиқлол ғоясини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдириш асосий вазифа бўлиб, у инсонларни олижаноб мақсадлар сари сафарбар этишда муҳим аҳамият касб этади. Наманган вилояти халқ таълими ходимлари, тарбиячи ва мураббийлари ҳам ҳар бир дарсда ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини турли усуллардан фойдаланиб сингдириб бормоқдалар. Наманган вилояти ХТББ ҳамда НВПҚТМОИ муассислигида чоп этиладиган "Таълим ва тафаккур" илмий-методик, маънавий-маърифий журналининг махсус бир сони "Ўз миллий ғояси, миллий мафкурасига эга бўлган давлат мустаҳкам, қудратли ва обод бўлади" шиори остида чоп этилгани ибратли ҳодисадир.

Наманган туманидаги 22-ўрта мактабнинг бошланғич таълим муаллимаси Машҳура Қўшманова "Мусобақа", "Саёҳат", "Ким ощди?", "Ижодий мулоқот" каби дарс турларидан фойдаланиб, ўқувчилар дилида халқимизга эҳтиром, ўзбекона одоб ва ахлоққа ҳавас уйғотиш мақсадида тинмай изланмоқда. Унинг ўқувчиларига савол бersangиз, "Истиқлол — ҳурлик, ўзаро ҳурмат, бир-бирини тан олиш, қадрлаш, эркин дунёқараш, умуминсоний қадриятларга таяниш" деган бурро жавобни эшитибгина қолмай, ўзлари ҳам ўзаро ҳурматда эканликларини кўриб яйраб кетасиз. Муаллима "Шеърият оламига саёҳат" ўйинида шеърнинг номини ёки дастлабки 2 сатрини айтади, ўқувчилари эса уни давом эттириб кетадилар. Шеърий парчалар эса озод ва обод Ватан, бой тилимиз, халқимизнинг маънавий бойликлари, юксак маънавий фазилатлари ҳақидадир.

Уйчи туманидаги 2-мактаб муаллимаси Машҳура Убайдуллаева эса ўқувчиларига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда "Оқ теракми, кўк терак?", "Ким чаққон?", "Шеърий топишмоқлар" каби грамматик ўйинлардан фойдаланиб, маълум муваффақиятларга эришмоқда.

Косонсой туманидаги 45-махсус интернат-мактаб ўқитувчиси Тожибой Норбоев синфдан ташқари тадбирлар ўқувчиларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда муҳим омил эканини таъкидлайди. У кўзи ожиз ўқувчилар учун "Нутқ ўстириш хонаси"ни брайл ёзувида (бўрттирилган, олти нуқта алмашувидан ҳосил бўладиган ҳарфлар) жиҳозлаб, жиҳозларни, кўргазмали қуролларни қуйидагича номлаган:

"Истиқлол кўзлари тийрак боладир,

Минг йиллик тарихдан сабоқ оладир".

Бу бўлимда ҳадислардан намуналар, ҳикматли сўзлар, мақоллар жой олган.

"Ҳурлик — орзуларимнинг нурли кошонасидир,

Бу кунлар истиқлолнинг олтин остонасидир".

Бу бўлимда мустақиллик даврида амалга оширилган буюк ўзгаришлар, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори, нуфузи аниқ далиллар ва ҳаётий лавҳалар асосида ёритиб берилган.

Чуст туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси Матвали Алимқуловнинг иш тажрибаси ҳам эътиборга лойиқ экан.

— Мен она тили дарсларида миллий истиқлол ғоясини ўқувчиларга сингдиришда қуйидаги усуллардан фойдаланаман, — дейди у. — Ҳар бир дарсда шу мавзуга оид янги сўзни ҳуснихат билан ёздираман ва унинг мазмунини таҳлил қилиб бераман. Ҳар бир ўқувчи навбати билан ёзув тахтасига халқ мақолларидан бирини ёзади ва уни оғзаки шарҳлайди. Миллий истиқлол ғоясини қуруқ сўзлар билан, маъруза шаклида ўқувчи қалбига етказиб бўлмайди.

Шу сабабли қизиқарли ҳикоятлар, ривоятлар, ҳаётий мисоллар айтиб бераман ва шу ғояга қарши иллатлар, терроризм, наркомания ҳақида гапириб, уларни қиёслайман, хулосани эса ўқувчилар чиқаради. Ватан, истиқлол ҳақидаги шеърларни ёдлатиб бораман.

Ал-Хоразмий номидаги 7-ўрта мактабнинг миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари фани ўқитувчиси Раъногон Эроновонинг тренинг усулида ўтказган "Зар маҳаллам, заргар маҳаллам" номли очиқ дарсини кузатар эканмиз, муаллимнинг интерфаол усулларни қўллаб машғулот ўтказиши эътиборимизни тортди.

Ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маҳалла тарбия маскани, ватан ичидаги ватан эканлиги ҳақида тушунча беришни вазифа қилиб олган муаллима дарс аввалида ўқувчиларни ўзлари танлаган ранг асосида 4 гуруҳга бўлиб олди.

Обод маҳалла ҳақидаги шеър билан ўқитувчи дарсни бошлади. Сўнг ўқувчилар билан "Танишув" ўтказилди. Ҳар бир ўқувчига 4 та катакка ажратилган оқ қоғоз берилди.

Ўқувчилар 1-катакдаги "Ўзингизни нимага ўхшатасиз?" саволига расм орқали, 2-катакдаги "Сиз ким билан фахрланасиз?", 3-катакдаги "Ўзингизга ёқмаган фазилатларингиз", 4-катакдаги "Бўш пайтингизда нималар билан шуғулланасиз?" каби саволларга ёзма равишда турли жавобларни тайёрладилар. Ҳамма ёзиб бўлгандан сўнг ҳар бир ўқувчи жавобини ўқиб, изоҳлаб берди. Кимдир ўзини қуёшга, кимдир ойга ўхшатиб расм чизди. 2-катакдаги саволга эса "Ота-онам", "Дўстим", "Юртбошимиз" билан каби жавобларни ёздилар. 3-катак эса "Хунук юраман", "Бироз қўполман", "Тилим бурро эмас" каби, 4-катак эса "Китоб ўқийман", "Телевизор кўраман", "Ухлайман" каби жавоблар билан тўлдирилди. Самимий, рост жавоблар ва "Музёрар" — "Қуш учди" ўйини ўқувчиларни бир-бирига яқинлаштиргач, ўқувчилар бугунги дарсдан кутганларини айтдилар, ўқитувчи уларни синф тахтасидаги оқ ватман қоғозга маркер билан ёзиб борди:

Кутганларимиз.

— Янгилик.

— Изланувчанлик.

— Мазмунли дарс.

— Ижодкорлик.

— Фаоллик.

Сўнгра дарс учун қоидалар яратилди ва "Қандай қоидаларга риоя қиламиз?" саволига жавоблар ватманга ёзилди:

1. Вақт.
2. Самимийлик.
3. Интизом.
4. Ўзаро ҳурмат.
5. Бир-бирини тинглай билиш.
6. Баҳолашга шошилмаслик.

Навбат яна "Музёрар" ўйинларидан бири "Кўз боғлаш"га келиб, ўқувчилар доира шаклида турдилар. Кўзи боғланган ўқувчи хоҳлаган ўқувчини ушлади. "Қўлга тушган" ўқувчи шеър ёки ашула ижро этиб берди.

Ўқувчилар руҳияти, кайфияти кўтарилгандан сўнг синф тахтасига очилмаган ва очилган гул расмлари илиниб "Ақлий ҳужум" бошланди.

Муҳим саналар очилмаган гул шаклига қўйилди. Саволларга жавоб берилгач, гуллар очилди. Ҳар бир гуруҳдан "Маҳалла оқсоқоллари" гулларни очдилар.

Ўқувчилар билимини синаб кўриш мақсадида уларга оқ қоғоз берилиб, катакларга бўлинди. Улар қуйидаги саволларга жавоб топиб катакларни тўлдирдилар:

1. Маҳалла деганда қаерни тушунасиз? — Тарбия масканини. Ватан ичра Ватанни. Маънавий-ахлоқий қадриятлар ўчоғини.

2. Маҳаллангизда қандай ўзгаришлар рўй бермоқда?

3. Маҳаллангиз номини изоҳланг. Саховатпеша инсонлар номини ёзинг.

4. Агар сиз маҳалла оқсоқоли бўлиб қолганингизда қандай ишларни амалга оширардингиз?

Ўқувчиларнинг юқоридаги саволларга жавоблари тинглангач, "Музёрар" ўйинларидан бири "Миннатдорчилик имо-ишоралари" ўтказилди. Бунда ўқувчилар доира шаклида туришди ва ҳаракатлари орқали бир-бирларига совға бердилар. Кимки ўзига берилган совғани илғай билмаса, санъатини намойиш қилди.

Дарс сўнгида ҳар иккала томон бир-бирларига савол бердилар:

1. Қандай анъаналарни биласиз?

2. Тўй маросимлари ҳақида гапиринг.

3. "Бир болага етти маҳалла ота-она" мақолини изоҳланг.

4. Ўзбек миллий кийимларига нималар киради?

5. "Ватанинг тинч — сен тинч" мақолини изоҳланг.

6. Наврўзда қандай таомлар пиширилади?

Жавоблар тинглангач, ўқувчилар рағбатлантирилди.

Юқоридаги дарс мазмунли, қизиқарли ўтди.

Муаллим содда саволлар орқали ўқувчиларни фаоллаштирди, интерфаол усулларнинг бир неча турларидан фойдаланди.

Фикримизча, Наманган вилоятида миллий истиқлол ғоясини ўқувчилар онгига сингдиришда қўлланилаётган усуллар ўқитувчилар учун асқотади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
"Ma'rifat" мухбири



ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ – БУТУН ХАЛҚИМИЗНИНГ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Истиқлол байрами тадориги доирасидаги ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ва илмий-ижодий тадбирлар Абдухолиқ Ғиждувоний таваллудининг 900 йиллиги, шунингдек, Нукус шаҳрининг 70 йиллиги юбилейларига тайёргарлик ишлари билан ҳам узвий боғлиқликда олиб борилади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон тасвирий санъат усталари томонидан яратилган энг сара асарлар жамланиб, альбом шаклида чоп этилади. Таниқли ва ёш иқтидорли рассомлар, халқ амалий санъати усталарининг турли кўргазма ва танловлари, фотокўргазмалар ташкил этилади.

Байрам муносабати билан янги ҳужжатли ва видеофильмлар, спектакллар, китоблар яратилади. Янги кутубхоналар очилади.

Таниқли ёзувчилар, шоирлар, журналистлар, олимлар, санъаткорлар, маънавий-маърифий тарғибот соҳаси ходимларининг қишлоқ меҳнатчилари, ишчи-хизматчилар, ёш авлод вакиллари билан мулоқотлари бўлиб ўтади. Жаҳон ва олимпия чемпионлари, халқаро кўрик-танловлар ғолиблари, Президент стипендияси ва давлат мукофотлари соҳиблари билан ҳам жойларда учрашувлар ўтказиш мўлжалланган.

"Обод маҳалла йили" дастури вазифалари ижросига қаратилган кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, ободонлаштириш ойлиги, умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилади. Байрам арафасида қуриб битказилган, қайта таъмирдан чиқадиган болалар спорти иншоотларининг тантанали очилиш маросимлари бўлади.

Қутлуғ айём олдидан қариялар ва ногиронлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари йўқланади, қаровчиси йўқ кексалар, кам таъминланган кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатилади.

Бундай кенг кўламли тадбирларни ўтказишдан мақсад мустақиллик ва унинг қадр-қимматини, бу сана Ватанимиз тарихида, жамиятимиз ҳаётида, халқимизнинг тақдири ва келажагида нақадар буюк аҳамиятга эга эканини, келгуси авлодларнинг мустақил давлат, ҳур ва озод мамлакат тарихасида бутун дунё, аввало, демократик ҳамжамият билан биргаликда яшашига катта асос ва мустаҳкам пойдевор қўйганини кишиларимизга муносиб тарзда етказишдан иборатдир.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.

Мажлисда Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов иштирок этди.

ЎзА.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун юртимиз ўз мустақиллигининг 12 йиллигини кенг нишонлаётган айни дамларда баркамол авлодни вояга етказиш йўлида амалга оширилган ишларга назар ташлар экансан, беихтиёр кишида Ватан эртасининг истиқболига ишонч уйғонади. Бу нафақат ёшларимизнинг ўтган қисқа истиқлол йилларидаги эришган ютуқларидан, балки ана шу ютуқларни мустаҳкамлаш, уларнинг янада кўпайишини таъминлаш мақсадида бутун бир **халқ** — томонидан олиб борилаётган эзгу ишлардандир. Бинобарин, халқ — буюк куч. Унинг муштарак ҳолда бир мақсад сари интилиши эртага самара бериши тайинлигидан дарак.

Аввало, шуни эътироф этмоқ жоизки, республика таълим тизимини ислоҳ қилишга ҳукуматимиз томонидан биринчи даражали вазифа сифатида эътибор қаратилган бўлиб, унинг ривожи йўлида ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг аҳамияти катта. Маълумки, тизим ислоҳотига йўналтирилган мазкур қонун ва дастурнинг ҳаётда қанчалик ўз аксини топиши, энг аввало, умумий ўрта таълим мактабларида олиб борилаётган таълим жараёни, уларга қаратилаётган эътибор билан бевосита боғлиқ. Зотан, болага таълим-тарбия беришда, унинг босқичма-босқич билим ва кўникмасини ошириб бориш, орада бўшлиқ қолдирмаслик мақсадида ўзига хос узвийлик ҳосил қилган мамлакатимиз таълим тизимида мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим мақсадларга 5,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилган ҳолда 760 та умумий ўрта таълим мактаблари, 390 та болалар боғчаларида капитал таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган эди. Жорий йилда ҳам ушбу мақсадлари учун 6 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 360 та мактаб, 386 та болалар боғчаси, 35 та мактабдан ташқари таълим муассасалари ва 62 та мактаб-интернатлари ҳамда меҳрибонлик уйлари бинолари капитал тамирланди. Аксарият таълим муассасалари ҳозирда жорий тамирдан чиқарилди. Шунингдек, мазкур ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида вилоят ва туман ҳокимликлари оталиқ ва ҳомий ташкилотларнинг бераётган кўмагини алоҳида эътироф этмоқ жоиз.

Бу борадаги ишларни биргина Қашқадарё вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, таълим муассасаларини янги ўқув йилига тайёрлаш мақсадида 2003 йилнинг 10 январида вилоят ҳокимлигининг махсус қарори қабул қилинди. Унга кўра, шу кунгача вилоятда мавжуд бўлган 61 та капитал таъмирга муҳтож таълим муассасаларидан 32 тасини замонавий илм ўчоқларига айлантириш ташаббуси билан чиққан вилоятдаги йирик ташкилотларга бириктириб қўйилди. Ҳозирда вилоятнинг Деҳқонобод туманида 10 та, Косон туманида 5 та, Чироқчи туманида 9 та, Шаҳрисабз туманида 4 та , Қарши туманида 3 та, Китоб туманида 1 та янги типдаги мактаблар қурилиши бошлаб юборилган. Эътиборлиси, «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси томонидан Деҳқонобод туманида қад ростлаётган Э.Ниёзов номидаги 820 ўринли мактаб биноси қурилиши 90 фоизга бажарилган бўлса, «Муборакнефтгаз» УШК ташаббуси билан қурилаётган мазкур тумандаги 110 ўринли Муқимий номидаги мактаб қурилиши ишлари 50 фоизга бажарилган. «Косонёғ» ОХЖ маблағи эвазига бунёд этилаётган Косон туманидаги 120 ўринли Б. Ниёзов номидаги мактабда эса айни пайтда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Умумий ҳисоблайдиган бўлсак, мазкур таълим ўчоқларининг қурилиши 2751.4 млн. сўмга боҳоланган бўлиб, ҳомийлар томонидан мазкур маблағларнинг ўз вақтида ажратилишига эришилмоқда. Эътиборлиси, фарзандларимизнинг бекаму-кўст таҳсил олишларини таъминлаш мақсадида саҳоватпеша инсонлар томонидан ҳам беминнат ёрдам кўрсатилмоқда. Бу борада оддий тадбиркор Зокир Ҳақбердиев томонидан Қашқадарё вилоятининг Косон туманида фаолият юритаётган «Истиқлол» болалар боғчасига ўз маблағи ҳисобидан қўшимча 90 ўринли бино қуриб бериш ташаббуси билан чиққанлигининг ўзиёқ таҳсинга лойиқдир. Демак, бугун жойларда халқимиз оддий ҳақиқат — юрт эртаси фарзандлар иқболида эканлигини англаб етган ҳолда илм даргоҳлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, фарзандларимизнинг замон талаблари даражасида таълим олишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида кўплаб эзгу ишларни амалга оширмоқда.

Маълумки, республикамизнинг бир нечта вилоятларида ана шу эзгу ниятга эш бўлган ҳолда нафақат соҳа ходимлари, балки вилоят ва туман ҳокимликлари, оталиқ ва ҳомий ташкилотлари ҳамда ота-оналарнинг ёшлар камолотига қаратган эътиборлари боис ҳар ҳафтанинг шанба куни "Мактаблар куни" деб эълон қилинганди. Ўтказилган бу каби тадбирлар сабаб жойлардаги раҳбарларнинг мазкур соҳага муносабати ўзгарди, масъулияти ошди. Ҳар ким имкон қадар таълим даргоҳлари, уларда таҳсил олаётган ёшлар шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларга бел боғлади. Эътибор беринг, мазкур ташаббус дастлаб 2000-2001 ўқув йилида Бухоро вилоятида бошланган бўлиб, халқ таълими тизимини ривожлантириш мақсадида вилоятдагиларнинг ўзаро ҳамфикр ва ҳамжиҳатликда юритган саъй-ҳаракатлари тез орада бухоролик мактаб ўқувчиларининг билим кўрсаткичларида, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида эришган ютуқларида бўй кўрсата бошлади. Чунки ана шу эътиборлиси, «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси томонидан Деҳқонобод туманида қад ростлаётган Э.Ниёзов номидаги 820 ўринли мактаб биноси қурилиши 90 фоизга бажарилган бўлса, «Муборакнефтгаз» УШК ташаббуси билан қурилаётган мазкур тумандаги 110 ўринли Муқимий номидаги мактаб қурилиши ишлари 50 фоизга бажарилган. «Косонёғ» ОХЖ маблағи эвазига бунёд этилаётган Косон туманидаги 120 ўринли Б. Ниёзов номидаги мактабда эса айни пайтда сўнгги пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Умумий ҳисоблайдиган бўлсак, мазкур таълим ўчоқларининг қурилиши 2751.4 млн. сўмга боҳоланган бўлиб, ҳомийлар томонидан мазкур маблағларнинг ўз вақтида ажратилишига эришилмоқда. Эътиборлиси, фарзандларимизнинг бекаму-кўст таҳсил олишларини таъминлаш мақсадида саҳоватпеша инсонлар томонидан ҳам беминнат ёрдам кўрсатилмоқда. Бу борада оддий тадбиркор Зокир Ҳақбердиев томонидан Қашқадарё вилоятининг Косон туманида фаолият юритаётган «Истиқлол» болалар боғчасига ўз маблағи ҳисобидан қўшимча 90 ўринли бино қуриб бериш ташаббуси билан чиққанлигининг ўзиёқ таҳсинга лойиқдир. Демак, бугун жойларда халқимиз оддий ҳақиқат — юрт эртаси фарзандлар иқболида эканлигини англаб етган ҳолда илм даргоҳлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, фарзандларимизнинг замон талаблари даражасида таълим олишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида кўплаб эзгу ишларни амалга оширмоқда.

Маълумки, республикамизнинг бир нечта вилоятларида ана шу эзгу ниятга эш бўлган ҳолда нафақат соҳа ходимлари, балки вилоят ва туман ҳокимликлари, оталиқ ва ҳомий ташкилотлари ҳамда ота-оналарнинг ёшлар камолотига қаратган эътиборлари боис ҳар ҳафтанинг шанба куни "Мактаблар куни" деб эълон қилинганди. Ўтказилган бу каби тадбирлар сабаб жойлардаги раҳбарларнинг мазкур соҳага муносабати ўзгарди, масъулияти ошди. Ҳар ким имкон қадар таълим даргоҳлари, уларда таҳсил олаётган ёшлар шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларга бел боғлади. Эътибор беринг, мазкур ташаббус дастлаб 2000-2001 ўқув йилида Бухоро вилоятида бошланган бўлиб, халқ таълими тизимини ривожлантириш мақсадида вилоятдагиларнинг ўзаро ҳамфикр ва ҳамжиҳатликда юритган саъй-ҳаракатлари тез орада бухоролик мактаб ўқувчиларининг билим кўрсаткичларида, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар, фан олимпиадаларида эришган ютуқларида бўй кўрсата бошлади. Чунки

O'tkazilgan monitoring jarayonida yuqoridagi viloyat maktablarining jami 12844 nafar 8, 9-sinf o'quvchilaridan an'anaviy test usulida tekshiruv ishlari olindi.

Afsuslanarlisi, bir qator maktablarda ichki monitoring ishlarida o'quvchilar tomonidan BKMlarni o'zlashtirish samaradorligiga asoslanmagan holda yuqori baho berilgan, monitoring ko'rsatkichlarini sun'iy oshirib qo'yish hollari kuzatildi.

БЎШ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ЎҚУВЧИ

Унга қандай ёрдам берилади?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Аммо, ўз ўрнида таъкидлаш керакки, БКМларни ДТС талабларига нисбатан *90-99%* даражасида ўзлаштирган ўқувчилар сони бир ўқув йили давомида Жиззах вилоятида 3,1%га ўсганлиги қувонарли ҳол бўлган бўлса, Самарқанд вилоятида 4,7%га камайганлиги кишини ўйга солади. Худди шундай мазкур, мажбурий бўлган билимларни *80-89%* даражасида ўзлаштирган ўқувчилар сони бир ўқув йили давомида Жиззах вилоятида 18,3%га ўсган бўлса, Самарқанд вилоятида бу кўрсаткич 7,7%га камайганлиги қайд қилинди. ДТСда назарда тутилган таълим минимумларини талаблар даражасига нисбатан *70%дан* паст даражада ўзлаштирган ўқувчилар сони Жиззах вилояти бўйича 35,5%га камайган. Бундай ўзгаришларни ижобий ҳол эканлигини қайд этиб, Самарқанд вилоятида мазкур кўрсатгич камайиши ўрнига 14,1%га ўсганлиги афсусланарлидир.

Юқорида кўрсатилган ўзгаришлар динамикасини 8- ва 9-синфлар кесимида ўтказилган таҳлиллар ҳам тасдиқлади.

Таҳлиллар хулосаси шуки, ўқувчилар ўзлаштиришининг умумий кўрсаткичлари Самарқанд вилоятида ўрганилган мактабларда Жиззах вилояти мактабларига нисбатан юқорироқдир. Бироқ, 8-синфлар бўйича Жиззах вилоятида кўрсаткичларнинг барча тоифадаги ўқувчилар орасида ижобий томонга ўзгариши ва аксинча Самарқанд вилояти бўйича, асосан, салбий томонга йўналганлиги жойларда таълимга қаратилаётган эътиборни акс эттирди. Бу қуйидаги рақамларда ҳам кўринади. Жиззах вилояти мактабларининг 8-синф ўқувчилари ўртасида БКМларни ДТС талаблари даражасида тўлиқ (100%) ва шунга яқин (90-99%) даражада ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг умумий миқдори 5,5%ни ташкил этиб, ўтган ўқув йилига қараганда, жами 4,0%га кўпайган бўлса, Самарқанд вилоятида эса бундай тоифалардаги ўқувчиларнинг умумий миқдори 11,6%ни ташкил этиб, ўтган ўқув йилига нисбатан 0,8%га камайгани кузатилди. Бу эса шу вақтнинг ўзида паст ўзлаштирувчи ўқувчилар сони Жиззах вилоятида 42,9%га камайишига, Самарқанд вилояти бўйича эса 11,6%га ўсишига замин ҳозирлаган.

Албатта, 9-синф ўқувчиларининг умумий ўзлаштириш самарадорлиги ярим ўқув йили давомида бир мунча ижобий томонга ўзгарган. Лекин, мониторинг жараёнида қайд қилинган бундай ижобий ўзгаришлар динамикасидан «Ўқувчилар мактабни пухта, яхши билим билан битирди» деган хулосани чиқариб бўлмайди.

Келтирилган рақамларнинг таҳлилидан, энг аввало, I-ярим йилликда ўқувчиларга етарли билим берилмаганлиги ва шу боис аксарият ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси жуда ҳам паст бўлганлигини, 2-ярим йиллик якунида эса ушбу катта бўшлиқларнинг қисман тўлдирилишига эришилганлигини кузатишимиз мумкин. Мазкур хулосанинг тасдиғи сифатида эслатиб ўтамизки, ўқув йили якуни бўйича 9-синф ўқувчилари томонидан Жиззах вилоятида атиги 69,5%, Самарқанд вилоятида эса фақатгина 74,0% умумий ўзлаштириш самарадорлигига эришилган холос.

Маълумки, ДТС ўқувчининг эгаллаши лозим бўлган минимум талабдир. Шу боис, мазкур кўрсаткичлардан қониқиш ҳосил қилиш мушкул. Бироқ, Жиззах вилоятидаги ўқувчилар билимидаги ўсиш кўрсаткичининг қайсидир маънода ижобий томонган ўзгарганлиги кишига бироз таскин беради. Савол туғилади. Жиззах вилояти ўқувчиларининг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичи қай омилларган кўра юқорига кўтарилди-ю, Самарқанд вилоятида бу борада қандай хатоликларга йўл қўйилди?

Таъкидлаш лозимки, Жиззах вилоятида текширилган аксарият мактабларда қўлланилаётган мониторинг тизими замон талаблари даражасида деб топилди. Уни амалга ошириш жараёни вазирлик томонидан тавсия этилган янги шакл ва услублар асосида олиб борилмоқда. Яъни, мониторинг жараёнида ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалари ДТС талабларига мос элементлар бўйича таҳлил қилинмоқда.

Бу ишларнинг амалга оширилишида эса белгилаб ўтиш жоизки, Пахтакор тумани ҳокими Э.Солиев, Бахмал тумани хокими М.Қаршибоев каби Жиззах вилоятидаги туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамлари энг муҳим ва таъсирчан омил бўлган. Зеро, уларнинг таълим тизимига қаратаётган эътибори боис жойлардаги таълим муассасалари моддий-техника базаси имкон қадар ривожлантирилди.

Эътиборлиси, вилоятда текширилган мактабларнинг аксариятида ДТС талаблари даражасида билим, кўникма малакаларини ўзлаштира олмаётган ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни мунтазам равишда тўлдириб боришга қаратилган мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур мактабларнинг фан ўқитувчилари томонидан бундай ўқувчиларнинг исм-шарифлари бўйича алоҳида рўйхатлари тузилган, билимидаги етишмовчиликлар ва бўшлиқлар аниқ қайд қилинган, уларни тўлдириш учун шакл ва усуллари белгиланган, махсус жадваллар асосида қўшимча машғулотлар ташкил этилган. Жадвалларда белгиланган кўшимча машғулот ўтказиладиган фанлар ўзгарувчан бўлиб, чораклар бўйича алмаштириб борилмоқда. Қўшимча машғулотларга қатнашган ўқувчиларнинг билимида пайдо бўлган ўзгаришлар махсус ўтказилган назорат ишлари орқали аниқланди. Натижалари махсус тутилган дафтарлар ёки журналларда қайд қилинган. Мактаб маъмурияти томонидан мазкур йўналишдаги ишлар назорат остига олинган. Муҳими, қўшимча машғулотларга, биринчи навбатда ДТС талабларида белгиланган билимларнинг мажбурий минимумларини 70 фоиздан паст даражада ўзлаштирган ўқувчилар тортилган. Шу билан бирга бир қатор ўрганилган мактабларда ўқув дастурларининг алоҳида мавзулари бўйича билимида айрим бўшлиқлар мавжуд бўлган, яъни дастурларни асосан ўзлаштирган, аммо билимларида ДТСда белгиланган талабларга нисбатан муайян кам миқдорида камчиликлари бор ўқувчилар ҳам назоратдан четда қолдирилмаган. Бундан ташқари бир қатор мактабларда маъмурият томонидан ҳар чорақда ўтказилаётган мониторинг тадбирларидан ташқари бир неча босқичли оралиқ мониторинг синовлари йўлга қўйилган. Бундай мақсадли оралиқ мониторинг жараёнида ўқув чораги тугамасдан аввал ҳар бир катта мавзу ёки алоҳида бобларнинг ўрганилганидан сўнг ўқувчилар билимидаги бўшлиқлар ўқитувчилар томонидан мустақил равишда аниқланиб, қайд қилинади. Уларни тўлдириш ва ўқувчилар билимини ДТС талаблари даражасига етказиш устида амалий ишлар ташкил этилади. Ишни бундай ташкил этиш ҳисобига 5-9-синф ўқувчилари билимида бўшлиқларни тўлдириш жараёнида мактабнинг таъсири кучаяди, таълим тайёргарлигида вужудга келган етишмовчиликларнинг аниқланиши ва уларни бартараф этиш жараёни тезлашади. Бундай ички мониторинг жараёнини ва ўқувчилар билимини коррекциялаш (бўшлиқларни тўлдириш) бўйича ишларни мақсадга мувофиқ ташкил этган мактабларда Жиззах шаҳар ХТБга қарашли 7-, 11-, 22-, Ғаллаорол тумани ХТБга қарашли 56-мактаб Жиззах туманидаги 17-мактабларни кўрсатиш мумкин.

Самарқанд вилояти ХТБси тасарруфидаги кўрилган мактабларида ҳам фанлар ва синфлар кесимидаги таҳлиллар махсус режа-жадваллар асосида амалга оширилмоқда. Жадвалларда назорат ишлари чораклар якунида ўтказилиши белгиланган бўлиб, тест, анъанавий контрол иши, диктант, оғзаки сўров усулида мактаб раҳбарияти ёки методбирлашма раислари иштирокида ўтказилган. Тайлоқ туманидаги 29- ва 45-мактабларда мониторинг ишларини ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳлар ҳам ташкил этилган. Мониторинг натижаларини қайд этиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш жараёни, асосан, вазирлик томонидан тавсия этилган шаклда амалга оширилмоқда. Улар педагогик ва методик кенгашларда кўриб чиқилган. Суст ўзлаштирилган билим ва кўникмалар ҳамда паст ўзлаштирувчи ўқувчилар аниқланган ва улар билан ўқитувчилар томонидан бўшлиқларни тўлдириш ишлари амалга оширилган (қўшимча дарслар, махсус уй топшириқлари, дарс жараёнидаги якка ва гуруҳ машғулотлари ва бошқалар). Сиёб туманидаги 5-сонли мактаб ўқитувчилари томонидан бу борада махсус дафтарлар юритилган бўлиб, унда ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш натижалари ва ўзгаришлар қайд этиб борилмоқда.

Шу билан бирга экспертлар томонидан қайд қилиндики, вилоятда бир қатор кўрилган мактаблар маъмурияти ташаббуси билан ташкил этилаётган назорат ишларининг маъмуриятнинг ҳақиқий ташқи назорати сифатида қабул қилиб бўлмайди. Чунки кўпчилик ҳолларда назорат ишлари матнларини фан ўқитувчиларининг ўзлари тузган бўлиб, текширувларни ҳам ўзлари ўтказган. Натижаларини умумлаштирган ва таҳлил қилган ҳамда маъмурият учун ҳисоботлар тайёрланган. Яъни, маъмурият ташқи назоратининг ўрнига баъзи мактабларда фақат ўқитувчининг назорати амалга оширилган.

Шунингдек, кўрилган метод кабинетлар ва мактаб методбирлашмалари фанлар, синфлар ва мавзулар кесимида ДТС талабларига мос бўлган билим, малака ва кўникмаларнинг тўлиқ рўйхатларини тузишга киришмаганлар. Шу сабабли кўп ҳолларда ўқитувчилар томонидан тайёрланган текширув ишлар мураккаблиги ва мазмуни жиҳатидан ДТС талабларига мос келмайди ва мониторинг жараёнининг мақсадларига жавоб бермайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, мониторинг ўтказиш жараёнида Жиззах ва Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармалари, уларнинг тасарруфидаги таълимни бошқарув органлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятида эришилаётган ютуқлари билан биргаликда айрим камчилик ва ечимини топмаган муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Ўтказилган мониторинг жараёнида юқоридаги вилоят мактабларининг жами 12844 нафар 8, 9-синф ўқувчиларидан анъанавий тест усулида текширув ишлари олинди. Бунда, фақатгина 164 нафар ўқувчилар, яъни синовларда қатнашганларнинг 1,3%, барча саволларга тўғри жавоб бериб, билим, кўникма ва малакаларни ДТС талаблари даражасида тўлиқ (100%га) ўзлаштирганликларини кўрсатганлар. ДТСда белгиланган БКМларни 70%дан паст даражада ўзлаштирган ўқувчилар сони эса жами 4949 нафарни, яъни синовларда қатнашган ўқувчиларнинг 38,5% ташкил этган. Бунинг айрим сабабларини қўйида кўрсатиб ўтамиз.

Ўқувчилар таълим тайёргарлигини ДТС талабларига мослигини таъминлайдиган асосий омиллардан бири, бу юқори малакали педагог кадрлардир. Аммо, мониторинг жараёнида аниқландики, синовларда қатнашган бир қатор ўқитувчилар билим даражалари бўйича мазкур талабга жавоб бермайди. Бу Жиззах вилояти бўйича синовларда қатнашган 32та мактабнинг 130 нафар ўқитувчисидан олинган тест натижаларида ҳам кўринади. Чунки синовларда 110 нафар ўқитувчи, яъни умумий қатнашувчиларининг 85 фоизи 2-3 хатодан 24 тагача ноаниқликларга йўл қўйганлар. Ваҳоланки, уларга берилган саволлар 8-9-синф ўқувчилари учун мўлжалланган эди.

Бундай «юқори малакали», ДТС минимал талаблари даражасида билимларга тўлиқ эга бўлмаган ўқитувчилар Самарқанд вилояти мактабларида ҳам йўқ эмас. Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, энг паст натижа кўрсатган мазкур вилоят ўқитувчисининг ДТС талаби бўйича эгаллаган билим даражаси 68 % ташкил этган холос. Энди тасаввур қилинг, ДТС талабини ўқитувчи бажара олмай турган бир вақтда у ўқитган ўқувчидан бу талабнинг бажарилишини кутиш мумкин-ми? Бундай ҳолатнинг келиб чиқиши сабаби вилоятларда айрим мактаб раҳбарлари томонидан ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш, қўлланилаётган методикаларини ўрганиш, ўз вақтида амалий ва услубий ёрдам кўрсатишга у қадар етарли эътибор бермаяптилар.

Ғаллаорол тумани ХТБга қарашли мактабларда маъмурият аъзоларининг ҳар бири томонидан таҳлил қилинган дарслар сони ўрта ҳисобда атиги 88 соатни ташкил этаган. Пахтакор, Булунғур ва Жиззах тумани мактаблари бўйича бу кўрсаткич 69 соатдан ошмайди. Сиёб тумани мактабларида эса маъмурият аъзолари ўрта ҳисобда атиги 55 соатдан дарс кузатишган. Мазкур кўрсаткичлар ўрнатилган меъёрларнинг фақатгина 1/2 ёки 1/3-қисмини ташкил этади, холос. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бундай ҳолда мактабларда ўқитувчилар фаолияти, асосан, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Унга холисона, таҳлилларга асосланган ҳолда баҳо берилмаяпти, педагогларга зарур бўлган малакали услубий ёрдам кўрсатилмаяпти.

Ўқувчи билим сифатига таъсир этувчи омиллардан яна бири, бу ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланганлик даражасидир. Шу боис мониторинг жараёнига қамраб олинган синфлар ва фанлар бўйича дарсликлар билан таъминланиш аҳволи таҳлил этилганда Жиззах вилояти мактабларида 8-9-синф ўқувчиларнинг 12 ўқув фанидан дарсликлар билан умумий таъминланганлик даражаси 87,2%ни, Самарқанд вилоятида эса 83,3%ни ташкил этган.

Шу билан бирга, мониторинг жараёнида қайд қилиндики, текширилган бир қатор мактабларда айрим ўқув фанлардан ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланганлиги ўта паст даражада. Масалан, Жиззах шаҳар 21-мактабининг 8,9-синфларида ўқийдиган ўқувчиларининг ҳар учинчисидан бирида, 7-мактаб ўқувчиларининг ҳар тўртинчисидан бирида, 14-мактаб ўқувчиларидан эса ҳар бешинчисидан бирида, деярли, текширилган 6 та ўқув фандан дарсликлар комплекти йўқ.

Самарқанд вилоятида ўрганилган мактабларда ҳам дарсликлар билан таъминланиш аҳволи юқорида кўрсатилганидан яхши эмас. Жумладан, Оқдарё туманидаги 6, 18, 39-сонли мактабларнинг 8-синф ўқувчилари дарсликлар билан ўрта ҳисобда 68%га , 45-сонли мактабда эса – 52%га таъминланган. Булунғур туманидаги 13-сонли мактабда ИБА ўқув фани бўйича дарсликлар ўқувчиларнинг фақат 15 фоизида мавжуд бўлса, "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" ўқув фани дарслигидан 7% ўқувчиларгина фойдаланиш имкониятига эга эканлар.

ДТС талабларини тўлиқ бажарилишида мактабнинг ўқув-моддий техника негизи ҳам катта аҳамият касб этади. Кўрилган муассасалардан Бахмал туман ХТБ Жиззах туман ва шаҳар ХТБлари тассаруфидаги аксарият мактабларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш мақсадида маълум ишлар амалга оширилганлиги қайд этилди. Аммо, кўпчилик мактабларда табиий йўналишдаги фанлар дастурларининг амалий қисмини бажариш учун лаборатория асбоб-ускуналари етишмаганлигини ёки умуман мавжуд эмаслигини ҳам кўрсатиш лозим. Бунинг натижасида, физика ўқув фани бўйича 8,9-синф ўқувчилари учун давлат дастурларида белгиланган лаборатория ишлари катта қисми назарий равишда ўрганилган. Самарқанд вилояти ХТБларига қарашли мактабларда ҳам керакли кимёвий идишлар ва реактивларнинг етишмаслиги ёки умуман мавжуд эмаслиги туфайли кимё фанидан, деярли, барча амалиёт ишлари кўргазмали шаклда ўтказилмоқда. Мазкур ўқув фани хоналарида ҳаво тозалаш мосламаларининг мавжуд эмаслиги ёки ишламаётганлиги сабабли айрим лаборатория ишларини умуман ўтказиш мумкин эмаслиги ҳам ташвишланарли ҳолатдир.

Маълумки, ўқувчилар томонидан дарсларни кўп қолдириш ҳолатлари ўқув материалларни пухта, ДТС талаблари даражасида ўзлаштирилишга энг катта салбий таъсир кўрсатувчи омилдир. Бундай ҳолат эса ўрганилган ҳар иккала вилоятда ҳам мавжуд. Лекин, ўрганилган аксарият мактабларда ўқувчилар қолдирган дарс соатлари фан ўқитувчилари ва синф раҳбарлари томонидан аниқ ва холисона қайд қилинмаган. Бунга эса, маъмурият томонидан педагогларнинг мазкур йўналишдаги ишлари қаттиқ назорат остига олинмаслиги сабабдир.

Шу билан бирга қайд этиш лозимки, вилоятларда ўрганилган аксарият мактабларнинг 9-синф ўқувчилари I-ярим йилликда қишлоқ хўжалик ишларга жалб қилинган эдилар. Албатта, ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан қишки таътил ҳисобига ҳамда ўқув материалларини ихчамлаш ва зичлаштириш эвазига ушбу бой берилган вақтни тўлдиришга эришилган. Лекин, бундай ҳолатда ўқувчиларда ДТС талабларига мувофиқ бўлган чуқур ва мустаҳкам билимларни эгаллашга жуда кам вақт қолганлиги боис бир қисм мавзулар ўзлаштирилмай қолиб кетмоқда.

Бундан ташқари, аксарият текширилган мактабларда ДТСларда белгиланган мажбурий таълим минимумларни 99–90% атрофида ўзлаштирган, яъни билимларида кам миқдорда камчиликлари бор ўқувчилар билан алоҳида, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган мақсадли ишлар амалга оширилмаяпти. Мазкур тоифадаги ўқувчилар эътибордан четда қолаётганлиги натижасида, мажбурий билим, кўникма ва малакаларни ДТС талаблари даражасида тўлиқ (яъни 100 %га) ўзлаштирган ўқувчилар сони, деярли, ўсмаяпти.

Шуни ҳам кўрсатиш жоизки, айрим субъектив ва объектив сабабларга кўра, аксарият таълим муассасаларда 8-, 9-синф ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган жараён анчага кечикиб, амалда иккинчи ярим йилликдан бошланган. Бир қатор мактабларда мазкур муҳим вазифа раҳбарлар томонидан умуман назоратга олинмаган. Бундай мактаблар мисолида Ғаллаорол туманидаги 29- ва 47-сонли, Бахмал туманидаги 45- ва 57-сонли, Булунғур туманидаги 1-, 13-, 22- ва 46-сонли мактабларни кўрсатиш мумкин.

Айрим кўрилган мактабларда ўқувчилар билимидаги аниқланган бўшлиқларни тўлдириш мақсадида куни узайтирилган гуруҳлар имкониятларидан фойдаланилмоқда. Бахмал тумани ХТБга қарашли 8-, 33-, 45-, 57-мактабларда паст ўзлаштирувчи ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш жараёнини йўлга қўйиш мақсадида маркетинг фаолиятидан топилган маблағлар ҳисобидан гуруҳлар, мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан қўшимча дарслар ташкил қилинган. Айрим ўрганилган мактабларда (Ғаллаорол тумани) билимидаги бўшлиқларни тўлдириш учун, ўқитувчилар раҳбарлигида, паст ўзлаштирувчи ўқувчиларни аъло ўқиётган ёки юқори синфдаги ўқувчиларга бириктириш усуллари қўлланилмоқда. Лекин, мазкур йўналишдаги ишлар яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Масалан, Пахтакор туманида ўрганилган 6 та мактабда фақатгина бошланғич синфлар учун жами 12та куни узайтирилган гуруҳлар ташкил этилган (ҳар бир мактабга ўрта ҳисобда 2тадан гуруҳ тўғри келмоқда). Бу эса бошланғич синфлар умумий сонига нисбатан фақатгина 15 фоизни ташкил этади.

Умуман олганда Жиззах вилояти бўйича бюджет ҳисобидаги куни узайтирилган гуруҳлар (КУГ) сони олдинги йилларга нисбатан кескин камайиб кетмоқда. Афсусланарлиси, Бахмал, Жиззах туманларидаги мактаблардан бирортасида КУГлар ташкил этилмаган. Шуни ҳам айтиш жоизки, мазкур гуруҳлар ташкил этилган мактабларда, уларнинг имкониятлардан ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг мажбурий минимал билимларни талаб даражасида тўлиқ ўзлаштиришга эришиш учун унумли фойдаланилмаяпти. Юқори синф ўқувчилари учун КУГлар умуман ташкил этилмаган, уларга бўлган эҳтиёж таҳлил қилинмаган. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2002-2003 ўқув йили давомида вилоятда 4788та бошланғич синфлар мавжуд бўлгани ҳолда борйўғи 84та куни узайтирилган гуруҳлар ташкил этилган. Уларга қамраб олинган бошланғич синф ўқувчилари сони 2,4 минг нафар атрофида бўлиб, вилоят бўйича мазкур синф ўқувчилари умумий ўқувчилар сонининг фақатгина 2,2%ни ташкил этади холос.

Самарқанд вилояти мактабларида ҳам куни узайтирилган гуруҳлар (КУГ) деярли ташкил этилмаган. Кўриб чиқилган мактаблардан фақат Сиёб туманидаги 2-сонли мактабда бошланғич синфлар учун иккита КУГ ташкил этилган холос.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Жиззах ва Самарқанд вилоят ХТБлари тасарруфидаги мактабларда ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни тўлдириш учун ўқитувчиларга керакли шароитлар яратилмаган. Мазкур муҳим ва мураккаб жараён мактаб маъмурияти ва педагогик жамоалар эҳтиёри ва ташаббусига қолдирилган. Куни узайтирилган гуруҳлар тармоғини кенгайтириш масалалари халқ таълими бошқарув органлари томонидан назоратга олинмаган. Ваҳоланки, таълим муассасаларида куни узайтирилган гуруҳларга бўлган эҳтиёж анча катта.

Ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, ДТСни ўқув жараёнига татбиқ этиш ишлари 3 йил давомида амалга оширилиб келганлигига қарамасдан, жойлардаги методик хизмат тизими ходимларининг кўпчилик қисми ўз фаолиятини ДТСларига кўра тегишлича, жиддий қайта кўриб чиқмаган. Услубий хизмат ходимлари томонидан мактаб раҳбарлари, фан ўқитувчилари учун ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни олдини олиш юзасидан, аниқланган бўшлиқларни тўлдириш усуллари бўйича тавсиялар, мураккаб мавзулар бўйича дарс ишланмалари деярли тайёрланмаган. Методистларнинг аксарияти мониторинг жараёнида жойлардан олинган маълумотлар, туман (шаҳар) миқёсида фанлар бўйича ўтказилган ташқи назорат натижаларини таҳлил этишга тортилмаган (Жиззах вилояти) ёки ўқувчилар билимининг ДТСга мослигини аниқлаш учун таҳлилларни эскича самарасиз шакл ва усуллар асосида амалга ошмоқдалар (Самарқанд вилояти).

Афсусланарлиси, бир қатор мактабларда ички мониторинг ишларида ўқувчилар томонидан БКМларни ўзлаштириш самарадорлигига асосланмаган ҳолда юқори баҳо берилган, мониторинг кўрсаткичларини сунъий ошириб кўйиш ҳоллари кузатилди. Масалан, Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидаги 18-, 24-,45-сонли мактабларда, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги 27-сонли, Жиззах шаҳридаги 21-сонли, Бахмал туманидаги айрим мактабларда бундай ҳолатлар қайд этилди.

Эътибор беринг, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманидаги 27-мактабнинг 8-«Д» синфида жами 24 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириш кўрсаткичлари акс этган синф журналларига қарайдиган бўлсак, уларга ўтилаётган барча фанлардан, яъни 20 та ўқув фанидан ўқувчиларнинг аксарият қисми ўқув йилининг 3-чорагини «5» ва «4» баҳоларга якунлаган бўлса, атиги 2 нафар ўқувчининг билими биттадан фанда «3» га баҳоланган. Худди шундай мактабнинг 9-синфи ўқувчилари ҳам 3-чоракни аъло баҳолар билан якунлаган. Бу эса, мактабда 8,9-синфларда ҳамма ўқувчи барча ўқув фанларидан билим, кўникма ва малакаларни ДТС талаблари даражасида ёки бундан юқори даражада ўзлаштирганликларини кўрсатади. Лекин, афсуски, бундай «мўъжиза» мониторинг жараёнида ўз исботини топмади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, айни мазкур 8,9-синфлар бўйича мониторинг жараёнига қамраб олинган 182 нафар ўқувчилардан фақатгина 3 нафари (1,6%) БКМларни ДТСда белгиланган минимал талаблар даражасида тўлиқ ўзлаштирганлиги аниқланган бўлса, ўта паст даражада ўзлаштирувчилар сони эса 44 нафарни (24,2%) ташкил этган. Мазкур мактабда ўқув фанлари бўйича 2002-2003 ўқув йилини фақат «5» баҳоларга битирган ўқувчилар сони 18 баробар, «5» ва «4» баҳоларга битирган ўқувчилар сони 6 баробар ошириб кўрсатилган. Шу вақтнинг ўзида, паст ўзлаштирувчилар («3» ва «2» баҳоларга битирган)лар сони 2,4 баробар камайтириб кўрсатилган.

Шунга ўхшаган вазиятни бошқа мониторинг жараёнига қамраб олинган мактабларда ҳам кузатиш мумкин. Мониторинг жараёнида синовлар ўтказилган 12 ўқув фанидан ўқув йилини «5» ва «4» баҳоларга битирган 8, 9-синф ўқувчиларининг умумий сони Жиззах вилояти мактабларида таҳминан 14 баробар, Самарқанд вилояти мактабларида эса 6 баробар ошириб кўрсатилган.

Шу вақтнинг ўзида ўқув йили давомида керакли таълим тайёргарликни деярли олмаган, яъни «3» ва «2» баҳолар билан ўқишни тугатган 8,9-синф ўқувчилар сони Жиззах вилояти мактабларида эса 1,5 баробарга, Самарқанд вилояти мактабларида 1,7 баробар камайтириб кўрсатилган.

Юқорида келтирилган далиллардан, аксарият ўқитувчилар томонидан онгли равишда, ўқувчилар билимига қўйилган талабларнинг пасайтирилаётганлиги, айримлари томонидан ўқувчиларнинг таълимда эришган ютуқларини баҳолаш мезонларини билмасликлари ёки уларга риоя қилмаётганликлари маълум бўлмоқда. Аксарият (айниқса, етарли тажрибага эга бўлмаган) ўқитувчилар ўқувчилар билимини баҳолашнинг анъанавий усулларини қўллашни билишмайди. Айни пайтда ушбу муҳим жараённинг мактаб маъмурияти ҳамда мониторинг хизмати ходимлари томонидан юзаки назорат ва таҳлил этилиши ўқув жараёни манфаатларини таъминлаш имконини бермаяпти. Назаримда, мониторинг жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар беш балли баҳолаш тизимининг оқсоқ жиҳатларини яна бир бор ойдинроқ кўрсатиб, ўқувчилар билимини ҳисобга олиш ва аниқланган бўшлиқларни мунтазам тўлдириб боришнинг объектив шакл ва усулларидан иборат бўлган рейтинг тизимига босқичма-босқич ўтиш зарурлигини тасдиқлади.

Таҳлил давом этади. Сизнинг ҳам муносабатингиз биз учун кадрли, азиз муштарий. Хўш, ана шу вазиятдан чиқишнинг қандай йўллари мавжуд? Тажрибангиз билан ўртоқлашсангиз, ислоҳотларимиз ривожига ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.

А.КАЛОНТАРОВ,
ХТВ Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармасининг бошлиғи

Maktab kutubxonalari faoliyatini tubdan isloh qilish, uni tizimli tarzda takomillashtirish, qoloq kutubxona bo'lib qolmasdan, axborot uzatishning faol markazlariga aylantirish vaqti keldi.

Xalq ta'limi vazirligi tomonidan 2003-yil 2-maydagi 43-sonli qarori bilan 2003-2004 o'quv yilining "Umumiy o'rta ta'lim muassasalari kutubxonalari faoliyatini takomillashtirish o'quv yili" deb e'lon qilinishi va uni hayotga tatbiq qilish uchun Harakat Dasturi va "Umumiy o'rta ta'lim muassasalari kutubxonasini rivojlantirish kontseptsiyasi"ning ishlab chiqilishi mazkur ishlarni bajarish uchun qo'yilgan ilk qadamdir.

Ma'rifat

2003-2004 o'quv yili — Umumiy o'rta ta'lim muassasalari

Маълумки, жадаллик билан ривожланиб бораётган бугунги кунда кутубхона ишларини ташкил этиш, унинг фондларини тўлдириш, ўқитувчи ва ўқувчиларга хизмат кўрсатиш, китобхонлар билан якка тартибда ва оммавий тарзда иш олиб бориш, мактаб ўқувчиларининг мутолаа маданиятини тарбиялаш, мактаб кутубхоналари фаолиятини яхшилаш ва малакали мутахассислар билан таъминлаш, компьютерлаштириш билан боғлиқ анчайин масалалар ҳамон долзарблигича қолиб келмоқда ва ўз вақтида ҳал этилишини кутаяпти.

Мактаб кутубхоналари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уни тизимли тарзда такомиллаштириш, қолоқ кутубхона бўлиб қолмасдан, ахборот узатишнинг фаол марказларига айлантириш вақти эса аллақачон келган. Бунинг учун, аввало, мактаб кутубхонасини ислоҳ қилиш ва кутубхоначини қайта тайёрлаш, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган даражага етказиш даркор. Яъни, мактаб кутубхонаси заҳираси китобхонлар юксак маънавий-интеллектуал эҳтиёжларига яраша адабиётлар, кенг маънода ахборот базаларига эга бўлиши, мактаб кутубхоначилари эса янги технологиялар асосида замонавий хизмат кўрсатиш малакасини эгаллашлари лозим.

Халқ таълими вазирлиги томонидан 2003 йил 2 майдаги 43-сонли қарор билан 2003-2004 ўқув йилининг "Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили" деб эълон қилиниши ва уни ҳаётга татбиқ қилиш учун Ҳаракат Дастури ва "Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхонасини ривожлантириш концепцияси"нинг ишлаб чиқилиши мазкур ишларни бажариш учун қўйилган илк қадамдир.

Республика илмий-педагогика кутубхонаси ходимлари томонидан ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари учун тайёрланган тавсиялар мактаб кутубхоналари фаолиятини юқорида таъкидланган йўналишларга мос ҳолда ташкил этиш ва уларни нафақат китоб ўқиладиган жой, балки турли хил оммавий тадбирлар ўтказиладиган, ўқувчилар билан доимий гавжум бўладиган зиё масканига айлантиришга кўмаклашади.

МАКТАБ КУТУБХОНАЛАРИ МАНИФЕСТИДАН САТРЛАР

(Кутубхоначилик ассоциациялари ва муассасалари халқаро федерацияси томонидан (ИФЛА) тайёрланган.)

Мактаб кутубхоналарининг асосий вазифалари: мактаб кутубхоналари — таълим жараёнининг ажралмас қисмидир.

Мактаб кутубхоналари саводхонликни ошириш, ахборот олиш кўникмаларини ўқитиш, ўз устида ишлаш ва маданиятдан баҳраманд бўлишни ривожлантиришга ёрдам берган ҳолда қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга даъват этади:

Сизнинг мактабингиз концепцияси ва мактабингиз дастурида белгиланган таълим мақсадларини қўллаб-қувватлаб ва таъминлаб туриш.

Болаларда китоб ўқиш ва билим олиш қувончини, шунингдек, кутубхонадан умр бўйи фойдаланиш эҳтиёжини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш.

Хоҳ билим олиш, англаш ва тасаввурни ривожлантириш учун, хоҳ кўнгил очиш учун бўлсин, ахборот яратиш ва ундан фойдаланишга имкон бериш.

Ўқувчиларни ахборот тури, формати ва ташувчисидан қатъий назар унга танқидий баҳо бериш ва ундан фойдаланиш кўникмаларини эгаллаш ҳамда олинган билимлардан коммуникация усулларига алоҳида эътибор берган ҳолда жамиятда, амалда қўллашга ундаш.

Ўқувчиларни маҳаллий, минтақавий, миллий ва халқаро заҳираларга яқинлаштириш, шунингдек, уларнинг турли хил ғоялар, фикрлар ва тажрибалар билан таништириш имконини берадиган бошқа имкониятлардан фойдаланишларини таъминлаш.

Маданий ва ижтимоий ўзлигини англашни тарбиялайдиган, ўқувчиларнинг эмоционал ривожланишига ёрдам берадиган тадбирларни уюштириш.

Мактаб олдида турган вазифаларнинг жорий этилишига кўмаклашган ҳолда ўқувчилар, ўқитувчилар, маъмурият ва ота-оналар билан иш олиб бориш.

Ахборотга кириб бориш ва интеллектуал эркинлик демократик тамойилларга асосланган фаол манфаатдор фуқаролик позициясини тарбиялашнинг муҳим шарти деган ғояни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш.

Китоб ўқишни, шунингдек, мактаб кутубхонаси заҳиралари ва хизматидан фойдаланишни мактаб ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам тарғиб қилиш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун мактаб кутубхонаси маслаҳат бериш хизматларини таклиф этган ва касбий таълим олган ходимларни ёллаган ҳолда ўз сиёсатини ишлаб чиқади, хизмат кўрсатиш ишларини ривожлантиради, зарур заҳираларни мажмуалайди, ахборотнинг керакли манбаларига жисмоний ва ақлий йўл топишни таъминлайди.

КУТУБХОНАЧИЛИК: ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ШАХСНИНГ АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Жамиятни ахборотлаштиришнинг ўсувчанлиги, ахборотлаштириш жараёнларининг глобал тавсифи, ахборот технологияларининг ривожланиши – бу омилларнинг ҳаммаси шахснинг алоҳида маданияти – ахборот олиш маданиятини шакллантириш зарурлигини шарт қилиб қўйди.

Тўпланган иш тажрибаларини ҳисобга олганда ахборот олиш маданиятини шакллантиришнинг асосий унсурлари қуйидагилардан иборат: кутубхоначилик-библиографик билимлар, китоб ўқиш маданияти, шунингдек, компьютер саводхонлиги.



Кутубхоначилик-библиографик билимларни ёйиш ва китоб ўқиш маданиятини юксалтириш қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- керакли адабиётларни библиографик қидириб топиш ва китоб билан ишлаш методикаси бўйича якка тартибдаги маслаҳатлар;
- идораларга қарашли кутубхоналарнинг ахборот тизими, ундан фойдаланиш қоидалари ҳақида гуруҳли маслаҳатлар, суҳбатлар, маърузалар;
- кутубхона бўйича саёҳат;
- ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича амалий машғулотлар ўтказиш;
- кутубхоначилик дарслари: фойдаланилган адабиётлар рўйхатларини расмийлаштириш методикасига ўргатиш юзасидан машғулотлар;
- қатнашчиларнинг кутубхоначилик-библиографик саводхонлик даражасини, кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппаратидан, маълумотнома адабиётлардан, библиографик кўрсаткичлар ва бошқа шу кабилардан фойдаланишга доир билим, кўникма ва малакалари савиясини аниқлайдиган кутубхоначиликка оид аниқ бир мавзуга бағишланган ўйин-мусобақалар.

Умумий таълим муассасаларида маълумотнома-библиографик билим ва малакалар, шунингдек, китоб ўқиш маданиятини тавсифловчи билим ва малакалар умумий ўқув билим ва малакалари сифатида кўрсатилган. Уларнинг шаклланиши педагогикада ўта муҳим вазифа сифатида ўрганилади, бу вазифани ҳал этиш натижалари эса ўқувчилар ўқув фаолиятининг муваффақиятини белгилаб беради. Умумий ўқув билим ва малакалари таркибига ўқувчиларнинг мустақил равишда чиқишлар, маърузалар, конспектлар тайёрлашларини киритиш расм бўлган. Ўз навбатида, бу нарса кутубхона имкониятларини билиш, керакли адабиётларни топа олиш, режа тузиш, кўчирмалар олиш, белгиланган шаклдаги ахборот кўринишида тайёрланган матнни (иншо, реферат, тақриз ва бошқ.) расмийлаштира билишни талаб этади.

Айни умумўқув билим ва малакалари ахборотга қайта ишлов бериш билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятнинг: ўқув, илмий билув, мустақил билим олиш, бўш вақтни ташкил этиш ва бошқаларнинг асоси ҳисобланади. Улар ўқувчиларга ўз устида ишлашни самарали амалга ошириш имконини беради. Шу билан бирга булар уларсиз шахснинг ахборот олиш маданиятининг қарор топиши мумкин бўлмаган билим ва малакалардир.

Шахснинг ахборот олиш маданияти – инсоннинг умумий маданияти таркибий қисмларидан бири: ахборот дунёқараши мажмуаси ва анъанавий ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда якка тартибда ахборот олиш эҳтиёжларини қидиришга доир мақсад сари йўналтирилган мустақил фаолиятни таъминловчи билим ва малакалар тизими.

Шахсга ахборот олиш маданиятини ўргатишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- шахснинг ахборот олиш дунёқарашини шакллантириш, бу нарса ахборотга, ахборот заҳираларига, ахборот технологиясига бўлган умумлашган қарашлари тизимини ифода этади;
- ўқувчиларнинг ўқув, касб-кор ёки бошқа ўқув-билув фаолиятини ахборот билан ўз-ўзини таъминлашга доир билим ва малакаларни эгаллашлари; ахборот олишга доир билимларни эгаллаш, ахборот олиш малакаларини ҳосил қилиш, ахборот қидиришнинг анъанавий ва автоматлаштирилган (электрон) усулларини мустақил равишда юритиш малакаларини ўзлаштиришни кўзда тутади. Шахснинг ахборот олиш маданияти даражасини махсус ахборот олиш таълимини, хусусан, таълим муассасалари ўқув жараёнига ўқувчиларда ахборот билан ўз-ўзини таъминлаш соҳасидаги билим ва малакаларнинг бир бутун тизимини шакллантиришга даъват этилган "Шахснинг ахборот олиш маданияти асослари" мажбурий курси сифатида киритиш йўли билан ташкил этилган тақдирдагина сезиларли даражада ошириш мумкин. Курс ўқувчиларини ахборотнинг умумилмий, умумий таълим ва амалий аҳамиятга эга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида мустақил аниқлаш ва фойдаланиш имконини берадиган билим, малака ва кўникмалар оламига олиб киради.

"Шахснинг ахборот олиш маданияти асослари" курсида таълимнинг турли хил шакллари, методлари ва воситаларини, уларнинг ўқувчилар фаоллиги ва мустақиллигини, ўз фикрини ҳимоя қилиш, баҳс ва муҳокамаларда иштирок этиш, ўқув-билув вазифаларининг мумкин бўлган ҳал қилувчи бир неча вариантини топиш зарурлигини рағбатлантирадиган бирикмаларини танлаш кўзда тутилиши керак.

Ахборот олиш маданияти асосларини ўқитиш методикасини билиш бугунги кун кутубхоначиси касбий компетентлигининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Ахборотдан фойдаланувчи ёш китобхонларни тайёрлаш жараёнида қўлланиладиган шакл ва методлар тизимида махсус кутубхоначилик машғулотлари, кутубхоначилик дарслари энг фаол фойдаланиладиган иш усулларидир. Бундай машғулотларни технологик лойиҳалаш – мутахассисдан юксак касб маҳорати ва фаолият натижадорлигини талаб этадиган замонавий жамиятнинг эҳтиёжи саналади.

КУТУБХОНАЧИЛИК МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

I. Тайёрлов босқичи.

1.1. Синфни танлаш.

1.2. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида тестлар асосида сўровнома ўтказиш.

1.3. Машғулот мавзусини танлаш.

1.4. Машғулот ўтказиш учун жой танлаш.

1.5. Ҳужжатли манбаларни ажратиш ва ўрганиш.

- "Ахборот олиш маданияти асослари", "Кутубхоначилик-библиографик билимлар ўқувчиларга" дастурларини ўрганиш;
- кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппаратини кўздан кечириш;
- методик марказларнинг ахборот ва библиографик нашрларини ўрганиш;

- ажратиб олинган ҳужжатли манбаларнинг ишчи картотекасини тузиш;

1.8. Машғулотлар режасини тузиш:

- машғулотнинг асосий мақсадини аниқлаш;
- машғулот жараёнида ўқувчилар эгаллашлари лозим бўлган билим, малака, кўникмалар ҳажмини аниқлаш;
- машғулотларнинг мазмунини белгилаш;
- амалий машқларни ишлаб чиқиш;
- кўргазмали материалларни тайёрлаш;
- қўйилган мақсадга эришиш;
- янги материални ўрганишни ташкил этиш даражаси;
- намойиш қилинадиган материалдан (каталоглар, картотекалар, плакатлар, китоб кўргазмаси, альбомлар) фойдаланиш мақсадига эришилганлиги.

3.2. Ўтказилган машғулотга баҳо бериш:

- билимларнинг чуқурлиги, уларни ўзлаштириш савияси;
- амалий топшириқларни бажариш сифати;
- ўқувчиларнинг фаоллиги, аудиториянинг кўтаринки кайфияти.

Республика илмий педагогика кутубхонаси ўқувчиларга ҳозирги замон ахборот технологиялари ҳақида маълумот бериш, уларни ўзига керакли ахборотни турли хил нашрлардан (китоблар, қомуслар, луғатлар, даврий нашрлар) мустақил равишда қидиришга ўргатиш, теварак-атрофдаги оламни билишга бўлган қизиқишларини мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқувчиларни илмий, бадиий адабиётларга, маълумотнома, қомусий китобларга ошно этиш, улар билан мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида 5-6-синф ўқувчилари учун мўлжалланган "Ўқувчининг ахборот олиш маданияти асослари" курсининг тахминий дастурини тавсия этади.

5-синф дастури 36 соатга (27 соат ахборот ва 9 соат амалий) мўлжалланган. Ўқув соатлари 6-синф бўйича ҳам шу тарзда тақсимланади.

Ўқувчилар билан иш олиб боришда турли усуллар – шарҳлар, саёҳатлар, маълумот беришлар, мустақил ишлар ва амалий машғулотлардан фойдаланишни режалаштириш керак.

"ЎҚУВЧИНИНГ АХБОРОТ ОЛИШ МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ" КУРСИ ДАСТУРИ (5-СИНФ)

Кириш (1 соат).

"Ахборот олиш маданияти" тушунчаси билан дастлабки танишув. Ахборотларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти.

1. Ўқувчининг ахборот олиш маданияти. Асосий тушунчалар (3 соат).

* Жамиятнинг ҳозирги замондаги тараққиётида ахборотларнинг роли. Курснинг асосий вазифалари. Таянч тушунчалари (ахборот, фойдаланувчи, интернет, жамиятнинг ахборот заҳиралари).

2. Жамият ахборот заҳираларининг пайдо бўлиш тарихи. Ахборотларни сақлаш усуллари (19 соат).

- Ахборот асосий манбаларининг (папирус, пергамент, китоблар, кассета, магнит дисклари) пайдо бўлиш тарихи.
- Китоб ҳақидаги асосий билимлар (таркиб). Китоб унсурлари; китобнинг илмий-маълумотнома аппарати.
- Бошқа ахборот ташувчилар ҳақидаги асосий билимлар.
- Ахборотнинг асосий манбаларини (китоб, аудиовизуал, машинада ўқиладиган) расмийлаштириш ва сақлаш маданияти.
- Амалий машғулотлар.

3. Ҳозирги замон жамиятининг ахборот заҳиралари (3 соат).

- Ахборот оқимларининг хилма-хиллиги ҳақида умумий тасаввур.
- Ахборотнинг ҳужжатли манбалари.
- Ахборот дастлабки манбаларининг хилма-хиллиги. Ўқув, илмий-оммабоп, маълумотнома адабиётларининг қисқа тавсифи.
- Танқидий адабиётшуносликка оид нашрлар. Даврий матбуот.

4. Кутубхона – мактабнинг ахборот маркази. Мактаб кутубхонасининг заҳиравий имкониятлари.

- Мактаб кутубхонаси мактабнинг ахборот маркази сифатида. Кутубхона ҳақидаги тасаввурни кенгайтириш (абонемент, қироатхона, омборхона).

Медиатека нима?

- Кутубхонанинг маълумотнома-библиографик аппарати ҳақида асосий тушунчалар (каталоглар, ҳужжатларнинг библиографик рўйхатга олиниши).
- Амалий машғулотлар.

5. Китоб билан ишлаш методлари (9 соат).

- Ахборот манбаларининг хилма-хиллиги. Ўқувчилар учун мўлжалланган айрим маълумотнома ва энциклопедик (қомусий) нашрлар (нашрнинг тавсифи, қурилиш таркиби, фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш).
- Маълум мавзу бўйича ахборотни қидиришга доир амалий машғулотлар (маълумотнома нашрлар, қомуслар).

6. Ахборотга қайта ишлов беришнинг энг оддий шакллари (4 соат).

Ақлий меҳнат маданияти. Китоб, даврий нашрлар билан ишлашнинг рационал усуллари. Ёзиб олишнинг энг оддий усуллари (китоб ҳақида фикрлар, китоб ўқиш кундалиги, кўчирмалар, цитаталар).

Якуний машғулот (1 соат).

Машғулотлар давомида олинган билимларни аниқлаш. Ўйин ўтказиш мумкин.

Курснинг мавзувий режаси

№ Мавзунинг номи	Ҳаммаси бўлиб	Ўқув машғулотлари	Амалий машғулотлар
Кириш.	1	1	—
1. Ўқувчининг ахборот олиш маданияти. Курснинг асосий тушунчалари. Ахборотни сақлаш усуллари.	3	3	—
2. Ахборот заҳираларининг пайдо бўлиш тарихи.	9	7	2
3.Ҳозирги замон жамиятининг ахборот заҳиралари.	3	3	—
4. Кутубхона – мактабнинг ахборот маркази. Мактаб кутубхонасининг заҳиравий имкониятлари.	7	5	2
5. Китоб билан ишлаш методлари.	8	5	3
6. Ахборотга қайта ишлов бериш усуллари. Якуний машғулотлар.	4	2	

"ЎҚУВЧИНИНГ АХБОРОТ ОЛИШ МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ" КУРСИНИНГ ТАХМИНИЙ ДАСТУРИ (6-СИНФ)

Кириш (1 соат).

Ўқувчиларнинг ахборот олиш маданияти асослари бўйича олган билимларини такрорлаш.

1. Ахборот олиш маданияти – ўқувчининг бундан кейинги ўз устида ишлашига олиб борадиган йўл (6 соат).

* Курснинг асосий вазифалари.

- Курснинг асосий тушунчалари ҳақидаги билимларни кенгайтириш (ахборот олиш эҳтиёжи, ахборот олиш сўрови, ҳужжатларнинг турлари).

2. Мактаб кутубхонасининг ахборот муҳити (9 соат).

- Мактаб кутубхонасининг ахборот маркази сифатидаги имкониятлари. "Библиография", "Библиографик ахборот" тушунчалари билан танишув. Библиографик ахборотнинг амалий қўлланилиши (библиографик қўлланмалар).
- Мактаб кутубхонасининг маълумотнома-қидириш аппарати (маълумотнома нашрлар, алфавит тартибидаги ва систематик каталоглар, картотекалар).
- Болалар кутубхонасини бориб кўриш (каталоглар ва картотекалар билан танишув).
- Амалий машғулотлар.

3. Ўқувчиларнинг ахборот олиш эҳтиёжини шакллантириш (7 соат).

- Ўқувчиларнинг ахборот олиш эҳтиёжлари. Ўқув, ўқув-билув фаолиятининг ахборот олиш эҳтиёжи мазмунига таъсири. Ўқув фанидан керакли билимларни олиш ва кенгайтириш учун ахборотнинг турли манбаларидан фойдаланиш (китоблар, илмий-оммабоп, маълумотнома адабиётлар).
- Китобдаги маълумотнома аппаратининг аҳамияти, ундан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилиш (қурилиш таркиби: сўзбоши, сўнгги сўзнинг аҳамияти, шарҳлар, иловалар).
- Амалий машғулотлар.

4. Ўқувчининг (фойдаланувчининг) ахборотни излаш ва унга қайта ишлов бериш пайтида мустақил ишлаши (5 соат).

- ҳужжатни мустақил қидиришга ўргатиш, ўқув-билув қизиқишини ва мантиқий тафаккурни ўстириш.
- Ахборот олиш сўровини тўғри шакллантириш. Ахборотни манзилли, мавзувий, фактографик сўровлар қидириш малакаларини шакллантириш.
- Ахборотни қидириб топиш натижаларидан ўқувчининг ўқув фаолиятида фойдаланиш.
- Амалий машғулотлар.

5. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг ақлий меҳнат усуллари (7 соат).

- Китоб ўқиш маданияти. Китоб ўқиш турлари билан танишиш.
- Даврий нашрларнинг роли ва аҳамияти (ўқувчилар учун мўлжалланган даврий нашрлар. Даврий матбуотни ўқиш маданияти).

Замонавий ахборот ташувчилар, ўқувчиларнинг улардан фойдаланиш имкониятлари.

Амалий машғулотлар.

Якуний машғулот (1 соат).

Замонавий ахборот технологиялари. Интернет.

"ЎҚУВЧИНИНГ АХБОРОТ ОЛИШ МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ" КУРСИНИНГ ТАХМИНИЙ МАВЗУВИЙ РЕЖАСИ

№ Мавзу номи	Ҳаммаси бўлиб	Ўқув машғулотлари	Амалий машғулотлар
Кириш.	1	1	
1. Ахборот олиш маданияти – ўқувчининг кейинги умумий таълим фаолиятига олиб борадиган йўл.	6	6	
2. Мактаб кутубхонасининг ахборот муҳити.	9	6	3
3. Ўқувчининг илмий ўқув-билув фаолиятида ахборот олиш эҳтиёжлари.	7	5	2
4. Ўқувчининг ахборотни излаш ва унга қайта ишлов бериш пайтида мустақил ишлаши.	5	3	2
5. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг ақлий меҳнат усуллари.	7		
Якуний машғулот.	1	1	

ШАХСНИНГ АХБОРОТ ОЛИШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. ТУШУНЧАЛАР ТАЪРИФИ

Методик тавсияларда тез-тез фойдаланиб туриладиган тушунчалар таърифи (уларнинг моҳиятли тавсифи)

Кутубхоначилик-библиографик саводхонлик – китобхоннинг кутубхона маълумотнома-библиография аппарати ва жамғармасидан самарали фойдаланишини таъминловчи билим, малака ва кўникмалар мажмуаси. Ўз ичига кутубхона жамғармасининг тузилиши, кутубхона каталоглари картотекаларининг таркиби, кутубхонадан фойдаланиш қоидалари ҳақидаги билимларни, керакли ахборот манбаларини библиографик қўлланмалардан, каталоглардан ва картотекалардан қидириб топиш ва уларга китобхонлик сўровларини тўлдириш малакасини ўз ичига олади.

Китобхонларнинг ахборот манбалари энг аввало, китоблар билан самарали ишлашини таъминлаш зарурлиги кутубхоначилик-библиографик саводхонлик чегараларини янада кенгайтириш эҳтиёжини туғдирди ва янги – китоб ўқиш маданияти тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди.

Китоб ўқиш маданияти – умумий маданиятнинг китоб билан ишлаш кўникмаларини ифода этадиган таркибий қисмидир. У мавзуларни англаган ҳолда танлаш, китоб ўқишнинг мунтазамлиги ва изчиллиги, шунингдек, керакли адабиётларни библиографик қўлланмалар ёрдамида қидириб топа олиш, маълумотнома-библиографик аппаратдан фойдаланиш, ўқилганлар мазмунини максимал даражада ўзлаштириш ва чуқур тушуниш (конспект олиш, аннотация ёзиш ва шу кабилар), матбуот материалларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни ўз ичига олади.

Китоб ўқиш маданиятига меҳнат, таълим олиш ва ўз устида ишлаш маданиятининг зарур таркибий қисми сифатида қаралади.

Кутубхоначилик-библиографик ва ахборот олишга доир билимлар. Китобхонларга ахборотни қидириш ва тўплашнинг асосий қоидаларини ўргатиш, уларда кутубхоначилик-

библиографик манбалар орасида мўлжал топа олиш, адабиётларни тавсиявий библиография ёрдамида ажратиш, адабиётлар рўйхатини, ўқув жараёнига, ўз устида ишлашга ёрдам сифатида тавсиявий картотекаларни тузиш, ёзма ишларни (иншо, маъруза, реферат) библиографик жиҳатдан тўғри расмийлаштириш малакасини ҳосил қилиш. Ушбу атаманинг синоними сифатида кўпинча (фойдаланувчиларни, ахборот истеъмолчиларини) "Китобхонларни кутубхоначилик-библиографик йўналтириш" ифодаларидан фойдаланилади.

Ахборотни тақдим этишдаги янги шаклларнинг (маълумотлар базаси, электрон китоблар, электрон журналлар) жорий этилиши, ахборотга ишлов беришнинг компьютер технологиялари ривожланиши, электрон каталогли автоматлаштирилган кутубхоналарнинг пайдо бўлиши – буларнинг барчаси ахборот билан ишлашнинг самарали усуллари ва воситаларини излаш соҳасида "Компьютер саводхонлиги" тушунчасини илгари суради.

Компьютер саводхонлиги бу информатика соҳасида китобхоннинг ўз фаолиятида компьютер технологияларидан самарали фойдаланиши учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмалардир. Компьютер техникасининг қурилиши ва имкониятларини билиш компьютер саводхонлигининг муҳим унсури ҳисобланади. Компьютер саводхонлигини эгаллаш жараёнида матнни ёзиш ва таҳрир қилиш, ахборотни қидиришда компьютердан фойдаланиш малакаси шаклланади.

Тузувчи: Р.РАТНЕР

Buning uchun, avvalo, bolalar bilan kitobning, bolalar bilan yozuvchilarning, nashriyotlar, kutubxonachilarning do'stlik bayramini tashkillashtirish zarur.

Bu ishda maktab kutubxonachilari asosiy shaxs sanaladi. Lekin pedagoglar jamoasining qo'llab-quvvatlashisiz ularning o'z vazifalarini uddalashlari mushkul.

kutubxonalari faoliyatini takomillashtirish o'quv yili

БОЛАЛАР КИТОБ ҲАФТАЛИГИ

Бир йилда бир марта ўтказиладиган "Китоб ҳафталиги"-ни оз ўқийдиган болаларда китоб ўқишга ҳавас уйғотадиган ва чинакам китобсеварларга ўзини намоён этиш, зукколиги, ўқилган китоблар ҳақида қизиқарли тарзда ҳикоя қилиб бера олиш билан тенгдошларининг ҳурматини қозониш имконини берадиган ҳаяжонли байрамга айлантириш лозим. Бунинг учун, аввало, болалар билан китобнинг, болалар билан ёзувчиларнинг, нашриётлар, кутубхоначиларнинг дўстлик байрамини ташкиллаштириш зарур.

Болалар китоб ҳафталигининг вазифаси ёш китобхонлар учун нашр қилинган энг қизиқарли китобларни намойиш қилишдангина эмас, балки болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик масалаларига ўқитувчилар, ота-оналар, кутубхоначиларнинг диққатини тортиш, шунингдек, мактаблар билан туман ҳамда вилоят кутубхоналари ўртасидаги алоқани

мустаҳкамлашдан иборатдир. Болалар китоб ҳафталиги – бу мактабда китоб билан ишлаш якунларини чиқариш ҳамдир.

БОЛАЛАР КИТОБ ҲАФТАЛИГИНИ ТАЙЁРЛАШ

Бу ишда мактаб кутубхоначилари асосий шахс саналади. Лекин педагоглар жамоасининг қўллаб-қувватлашисиз уларнинг ўз вазифаларини уддалашлари мушкул. Ахир китоб жамғармаси билан олиб бориладиган ишларнинг шунчаки янги хилма-хил шаклларини ўйлаб топиш керак бўлмай, балки мактабда муайян кайфият яратиш, болаларга агар улар китоб билан дўстлашишса, ҳаёт нечоғлик қизиқарли бўлиб қолишини кўрсатиш ҳам даркор.

Байрамни ташкил этиш ва ўтказишда фаол китобхонларнинг етакчилик қилишлари жуда муҳимдир. Юқори синф ўқувчилари қуйи синф ўқувчиларига ўқиган китоблари ҳақида сўзлаб беришлари, турли ўйинлар ўтказишлари, кутубхоначилар эса даврий газетага мактаб кутубхонасининг энг яхши китобхонлари ҳақида ёзишлари, уларни мўъжаз совринлар билан мукофотлашлари мумкин.

Байрамда иштирок этиш учун ота-оналар, буви ва боболар – болаларни китоб ўқишга тортишга таъсир эта оладиган барчани жалб этиш зарур.

Сир эмаски, аксарият болалар мактаб кутубхонасида қандай китоблар борлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмаслар, чунки кўпчилиги бу ерга уй вазифасини бажаришда керак бўлсагина, зарурат туфайли келади. Кутубхона жамғармасининг бутун бойлигини ўқувчиларга кўрсатиш учун китоб кўргазмалари кўмак беради. Китоб кўргазмалари ва уларни шарҳлаш чоғида ўқувчиларга ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида, буюк китобхонлар тўғрисида, китоблар саргузаштлари хусусида ҳикоя қилиш фойдалидир. Болаларда "Бобомнинг севимли китоблари", "Мен китобни қандай расмлар билан тўлдирган бўлар эдим" ва бошқа кўргазмалар жуда катта қизиқиш уйғотади.

Болалар китоб ҳафталиги бошланмасдан бир неча кун олдин ўқувчилар орасида "Мен нима ҳақида ўқишни яхши кўраман" сўровномасини тарқатиш мумкин. Унинг мақсади болалар ҳаётида китоб қандай ўрин эгаллаётганини аниқлашдан иборат. Саводли тузилган сўровнома болаларнинг китоб ўқиши устидан раҳбарлик қилаётганларга ахборотнинг бошқа манбалари орасида китоб қандай ўрин тутаётганини, адабиётларни олишнинг қайси йўллари ўқувчилар учун устувор эканини, турли ёш ва жинсдаги китобхонларнинг адабий асарларни баҳолаш мезонлари қандайлигини аниқлашга ёрдам беради; болалар китоб ўқишининг структурасини (адабий асарларнинг мавзулари ва жанрлари, бадиий ва ўқув-билув китобларининг нисбати) белгилаш, китобхонлик сўровлари ва қизиқишларининг ёш динамикасини таҳлил қилиб чиқиш мумкин бўлади. Бу ахборотлар болаларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилаётганлар учун ҳам, ўқувчиларнинг ўзлари учун ҳам фойда келтиради. Тажриба шуни кўрсатадики, болалар китоб ўқиш ҳақида синфга таҳлилий маъруза билан келган кутубхоначини қизиқиш билан тинглайдилар.

Тилчи-ўқитувчилар болаларга "Мен севган китоб" ёки "Менинг севимли қаҳрамоним" деган мазмунда иншо ёзишни таклиф этишлари, сўнгра қизиқарлироқ ёзилган ишларни деворий газета ёки альбомда беришлари мумкин. Бу нарса китобхонлар учун тавсиялар бўлиб хизмат қилади.

БОЛАЛАР КИТОБ ҲАФТАЛИГИНИНГ РЕЖАСИ

(вариантлар)

Байрамни ўтказиш усуллари хилма-хил бўлиши ва уни қуйидагича режалаштириш мумкин:

1. Болалар китоб ҳафталигининг очилиши. "Энг яхши китобхон синф", "Йилнинг энг яхши китобхони", "Китобхон формулярини ҳимоя қилиш", "Шеърият ва насрий асар сухандонлари" танловларига якун чиқариш.
2. Янги китоб куни.
3. Туғилган куни нишонланаётган китоб.
4. Қуйи синф ўқувчилари учун "Эртаклар даласи", "Она табиат қучоғида", "Болалар эртаклари қирғоғи", "Китоб шаҳрига саёҳат" адабий ўйини.
5. "Шод-хуррамлик авжида" — қувноқ ютуқлар, бошқотирмалар, викториналари бўлган китоблар тақдимоти.
6. Адабий ўйинлар куни.

Шунингдек, ҳафталикни бошқача қилиб ташкил этиш мумкин:

1. Тарихий китоб куни.
2. Билимдонлар куни ("Нима, қаерда, қачон?" телевизион ўйини асосида).
3. Саргузаштларни севувчилар куни.
4. Хушчақчақлар куни.
5. "Бутун оила билан кутубхонага".
6. Ёзувчилар – юбилярлар.
7. "Зерикма" – китоблар бўйича ўйин.

Болалар китоб ҳафталигини режалаштиришда, Республика илмий педагогика кутубхонаси томонидан ҳар йили "Саналар, воқеа-ҳодисалар, тақдирлар ва китоблар" номли мактаб кутубхоначилари, ўқитувчилар ва мактабдан ташқари таълим муассасалари ходимлари ишини режалаштиришда ёрдам сифатида тайёрланадиган унутилмас саналар тақвимидан фойдаланиш мумкин.

Ушбу саналардан исталгани адабий кеча, адабий ўйинлар, китоб юзасидан баҳслар ўтказиш учун сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин. Уларни ёзувчи туғилган кун ёки ойда қатъий ўтказиш шарт эмас, бутун 2003 йил унинг учун юбилей йили. Бинобарин, болалар китоб ҳафталиги кунларида юбилей билан боғлиқ бирор иш шаклини бошлаб, давомини йил бўйи давом эттириш мумкин. Масалан, кутубхона бу йил юбиляр ёзувчиларга бағишланган эрталиклар ва кечалар циклини ўтказиши мумкин. Булар ёзувчилар, бинобарин, уларнинг асарлари юзасидан иш шакллари ҳам турличадир. Ушбу ўқув йилида А.Қодирийнинг 110 йиллиги, Ҳ.Олимжоннинг 95 йиллиги, Комил Яшиннинг 95 йиллиги, Абдураҳмон Жомийнинг 590 йиллиги, Д.Харрининг 155 йиллигига бағишлаб адабий кечалар ўтказишлари мумкин.

2003 йили таваллуди нишонланадиган ёзувчиларгина эмас, балки айрим жуда машҳур китоблар ҳам бор: А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар" асарининг 85 йиллиги, С.Аҳмаднинг "Уфқ" трилогиясининг 40 йиллиги, А.Навоийнинг "Хамса" асарининг 600 йиллиги, А.Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" асарининг 70 йиллиги, А.Беляевнинг "Одам амфибия" асарининг 75 йиллиги ва ҳ.к.

Бу саналар Болалар китоб ҳафталиги кунларида "Туғилган куни нишонланаётган китоблар" катта кўргазмасини безаш учун ажойиб сабабдир. Бу кўргазмада китобларнинг муаллифларига ёрқин тавсифлар берилса, энг қизиқарли иллюстрациялари бўлган нашрларни жойлаштириш, китоблар бўйича қизиқ саволлар ҳавола этиш имконияти туғилади.

Китобхонларни олға бошлаш, у кўпдан бери биладиган нарсаларни такрорламаслик, аксинча, ёзувчилик тақдирининг янги қирраларини очиб бериш муҳимдир. Масалан, А.Сент-Экзипюрининг "Кичкина шаҳзода" эртаги нашр юзини кўрганлигининг 60 йиллиги нишонланар экан, ўсмирларни ёзувчининг катталар учун ёзган "Одамлар сайёраси", "Жанговор учувчи" деган китоблари билан таништирадиган, нима учун кексайган, жароҳатлар олган, ўлимнинг кўзига тик қараган ёзувчи ўз умрининг охирларида дафъатан болалар учун эртак ёзганини тушунтириб берадиган адабий кеча ўтказиш мумкин.

Байрам ўтказиладиган хоналар албатта буюк кишиларнинг китоблар ҳақидаги фикрлари, мақоллар билан безаб чиқилиши керак.

КИТОБХОН ОИЛА

Болалар китоб ҳафталиги кунларидан бирида ота-оналар билан болаларни мактаб кутубхонасига китоб ва китоб ўқиш ҳақида умумий суҳбат қуриш мақсадида таклиф этиш маъқул бўлади. Китоб ўқийдиган энг яхши оила деган мазмунда олдиндан танлов эълон қилиш мумкин. Танловда ота-оналарнинг болалар адабиётига доир билимлари ўзлари севган китоб тўғрисида қизиқарли сўзлаб бера олиш малакалари, шеъриятга бўлган ўз иштиёқларини болаларга бериш истакларини аниқлаш мумкин.

"ОЛТИН БОЛАЛИК ДАВРИНИ ЭСЛАЙЛИК"

(ёки "Менга болаликка қайтиш учун чипта беринг")

Катта ёшдагилар бир пайтлар ўқиган ва ёд олган, эндиликда ўз фарзандларига "совға қилаётган" шеърларини ёддан айтиб беришлари керак.

ЭРТАКЛАР БИЛИМДОНЛАРИ

Столларда ўзбек халқ ёки бошқа севимли ёзувчининг эртакларига доир иллюстрациялар бўлади. Мусобақалашиш учун ҳар бир оиладан бир катта киши ва бир бола чақирилади. Улар иллюстрацияни қўлларига олиб, унга қараб эртакни таний олишлари, шу эртакдан парча айтишлари ёки мазмунини қисқа баён этишлари лозим.

КИТОБ ИМПРОВИЗАЦИЯСИ

Маълумки, болалар тақлидни яхши кўрадилар. Бу хусусиятдан асарга чуқурроқ кириб бориб ва таъсирланиб ўқиш кўникмаларини тарбиялашда фойдаланиш катта наф келтирган бўларди. Агар мактаб кутубхоначисига адабий ва драматик тўгарак раҳбарлари ёрдам беришса, севимли китоблар асосида синфлар бўйича импровизация ўйини ўтказиш мумкин.

XVI-XVII асрлардаёқ Италияда импровизацион "Комедия дель арте" жанри майдонга келди: артистлар муайян, яхши таниш сюжетлар асосида спектакль қўйишарди. Томошабинлар Пьеро ўзининг Коломбинага бўлган севгисида бахтсиз бўлишини, Коломбина эса Арлекинони алдашини олдиндан билишарди. Лекин актёрлар ёд оладиган ёзилган матн бўлмас эди: улар импровизация қилишарди – таниш сюжет доирасидан четга чиқмаган ҳолда ижро пайтида ўз луқмаларини яратишарди.

Бутун жамоа, ижрочилар бундай пьесанинг муаллифига айланарди. Актёрлар умумий муваффақият учун бир-бир-

ларига ёрдам беришарди.

Бинобарин Болалар китоб ҳафталиги кунларида импровизация жанрига мурожаат этилса, бу болаларнинг актёрлик ва драматургик қобилиятларини намоён этишлари учун ёрдам берибгина қолмай, уларнинг ахлоқий тарбиясида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, жамоавий адабий-драматик ижодкорлик ўқувчиларнинг мантиқий қобилиятларини ривожлантиради, сўз бойлигини кенгайтиради.

Импровизация учун кам таниш бўлган китобларни танлаш жоиз эмас. Булар севимли адабий асарлар бўлгани маъқул: "Билмасвой", "Уч бақалоқ", "Зумрад ва Қиммат", "Ёрилтош", "Пеппи узун пайпоқ", "Шум бола" ёки бошқа машҳур асарлар.

Ролларни ёд олиш керак бўлмаса ҳам, спектаклга тайёргарлик кўриш осон эмас. Аввало китобни диққат билан қайта ўқиб чиқиш, у ҳақида фикр алмашиш, қаҳрамонларининг тавсифидаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш, хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш керак.

Декорация яратиш бўйича мусаввирлару мусиқа танлайдиган созандалар, костюм тикувчилару реквизиторларга ҳам иш топилади.

БОШҚА ТАДБИРЛАР

Бундан ташқари, юқорида таклиф этилганидек, Болалар китоб ҳафталиги пайтида кўпгина қувноқ ва жиддий танловлар – "Саргузашт адабиётининг энг яхши китобхони", "Муайян жанрдаги энг яхши адабий асар" ва ҳоказоларни ўтказиш мумкин. Кимдир ёш тақризчилар, ёш қаламкашлар, ёш иллюстраторлар беллашувини ташкил эта олар, кимгадир болалар билан "Китобга бошқача якун ўйлаб топ" мароқли ўйинини ўйнаш қизиқарли бўлар. Ижод учун эса кенг майдон.

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР ИЖОДХОНАСИ ЁХУД ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ

(Ёш ўқитувчилар ва мураббийлар учун ёрдам сифатида тавсия-библиографик кўрсаткич)

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЁШ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР УЧУН

Каримов И. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида сўзланган нутқ, 1997 йил, 29 август // Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.Т.,1997. 4-9.б.

Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида сўзланган нутқ, 1999 йил 14 апрель.Т.: Ўзбекистон, 1999. 48-б.

Каримов И. "Камолот" ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин.-Т.: Ўзбекистон,2001.-48 б.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни // Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1997.20-29-б.

Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" // Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.,1997.31-60-б.

"Соғлом авлод" давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2000 йил 15 февраль // Халқ сўзи.-2000.16 февраль.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг таълим тайёргарлиги даражаси рейтинги тўғрисида НИЗОМ: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2002 йил 9 августдаги 121-сонли буйруғи билан тасдиқланган // Таълим тараққиёти.-2002.-№ 4.5-16-б.

Умумтаълим мактаби ўқувчиларининг касаллиги туфайли уларни синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларидан озод қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома // Таълим тараққиёти. 2002. №2.17-25-б.

Фанларни чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган синфларга, мактаб-интернатларга ўқувчиларни қабул қилиш ва чиқариш тартиби // Таълим тараққиёти. 2002. № 2. 35-47-б.

Муродов М. Олтин сандиқ очилди: Боғча тарбиячилари ва ёш ўқитувчилар учун қўлланма. Т.: Ўқитувчи,1994.120-б.

Намозова Н. Маърифатпарвар боболар мактабгача таълимни қандай тасаввур қилганлар?: Илм, амалиёт, назария // Мактабгача таълим. 2002. № 4. 8-9-б.

Учинчи мингйилликнинг боласи: Таянч дастурини амалиётга татбиқ этишга йўналтирилган ўқув қўлланма. «Маърифат-Мададкор» нашриёти, 2001.336-б.

Шомаҳмудова Р., Мўминова Л. Боғча ва кичик мактаб ёшидаги болалар нутқидаги нуқсонларни бартараф этиш: Тарбиячи ва ўқитувчи-логопедлар учун метод. қўлл. Т.: Ўқитувчи,1993.88-б.

Буйлова Л.Н., Кочнева С.В. Организация методической службу учреждений допол. образования детей: Метод. пособие. М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2001.160-с.

Гнездилова И.Н. Непрерывное педагогическое образование в современных условиях // Школа. 2002. № 1. 56-57-с.

Григорьев Д.В. Школьник как субъект воспитания // Кл. руководитель. 2002. № 2. 10-15-с.

Ёш ўқитувчи ва мураббийнинг ўсиши. Мутахассисликка мослашув

Жўраев Р. ва бошқ. Ёш ўқитувчиларга маслаҳатлар // Халқ таълими. 2002. № 3.4-10-б.

Жўраев Р. ва бошқ. Замонавий таълим жараёнида ўқитувчи // Халқ таълими. 2002. № 2. 4-7-б.

Эрхонова Н. Меҳрнинг манзили: Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари фаолияти // Ma'rifat 2002. 11 сент.

Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси.Т.: Ўқитувчи, 1993.-264 б.

Қодиров Б. Комил инсон тарбиясининг педагогик асослари. Т.: Меҳнат,2001. 195-б.

Қурбонов Р. Ўқитувчи қачон дам олади?: Ижтимоий ҳимоя қирралари // Ишонч. 2002. 30 июль.

Ғуломов М. Чиройли ёзув малакасини шакллантириш: Ўқитувчилар учун қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1992. 152-б.

Дьяченко Н. Музыкальные картинки: Первое знакомство ребёнка с музыкой.М.: Музыка, 1992.16-с.

Захарина М.,Тўхтамирзаев М. Учитель доверия: Из опыта работы Т. В. Злобинской. Т.: Ўқитувчи,1992. 48-с.

Захарова С.Н. Праздники в детском саду: Пособие для педагогов дошкольных учреждений. М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2002. 256-с.

Захарченко Е.Ю. Становление педагогической культуры молодого учителя: Кадры науки, культуры, образования // Педагогика.-2002. № 3. 45-50-с.

Здравствуй, школа! Пособие для воспитателей дет. садов по развитию речи детей поступающих в школу. СПб.: Отд-ние Издва Посвещение, 1991.144-с.

ДАРС — БУ ИЖОД

Жўраев А. Тарбиявий дарсларни ўтиш: Синф раҳбари учун қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1994.136-б.

Нанейшвили Э., Чаброва Т. Бирга расм чизамиз: Боғча тарбиячилари учун метод. қўлл.Т.: Ўқитувчи, 1992. 48-б.

Скрелин Л. Физикадан дидактик материал: 7-8-синф ўқитувчилари учун қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1992. 144-б.

Содиқов Ф., Ҳасанов Т. Йўл ҳаракати қоидалари: Ўқитувчилар учун қўлл.Т.: Ўқитувчи, 1993. 64-б.

Умронхўжаев А. Мактабда чизмачилик ўқитишни такомиллаштириш: Ўқитувчилар учун метод. қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1993.152-б.

Умумий ўрта таълим мактабларида физика хонаси.Т.: Янги аср авлоди, 2002. 43-б.

Усмонхўжаев Т., Мелиев Х. Миллий ҳаракатли ўйинлар.Т.: Ўқитувчи, 2000. 192-б.

Хамзова Н. ва бошқ. Болалар боғчасида лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш: Тарбиячи китоби. Т.: Ўқитувчи, 1991.192-б.

Александрова Е. Современный урок: Каким он видится учителям и какимученикам // Директор шк. 2002. 34-41-с.

Алимова Р. и др. Методические рекомендации и примерные разработки уроков русского языка во втором классе вспомогательной школы с узбекским языком обучения: Для учителей и логопедов вспомогательной шк. Т.: Ўқитувчи, 1993.72-с.

Билимлар тизимининг шаклланиши. Таълим бериш тараққиёти технологиялари.

Абдуллаева Қ. "Одобнома" дарсларини ташкил қилиш: Методик тавсиялар // Бошл. Таълим.2002. № 1. 22-23, 44-45-б.

Алимова Ҳ. Тинчлик — буюк неъмат: Ў. Ҳошимовнинг "Урушнинг сўнгги қурбони" ҳикояси асосида ноанъанавий дарс // Ma'rifat. 2002. 27 апрель.

Алметов Н.Ш. Ҳозирги замон таълимий технологиялари: Ўқитувчилар учун қўлланма. Шимкент: Нурли бейне студияси босмахонаси, 2002. 68-б.

Антонов А. Ўқувчиларнинг меҳнат таълимини бошқариш: Ўқитувчилар учун қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1993. 96-б.

Бегматова М., Жўраева О. Ўқувчингиз дарсга қизиқсин десангиз: Янги педагогик технологиялар // Ma'rifat. 2002. 9 февраль.

Давирова Т. Ижодий услуб — энг зарур сифат: Ўқитувчининг ўз ишига ижодий ёндашуви ҳақида // Халқ таълими. 2001. № 6. 24-26-б.

Жуманиёзова М. Материянинг асосий хоссаси нима?: Ёхуд умумтаълим мактабларида сессия материалларидан фойдаланиш усуллари // Ma'rifat. 2002. 16 ноябрь.

Замонавий педагогик технологиялар: Реклама-режа. Т.: Низомий номли ТДПУ, 2001.17-б.

Илғор педагогик тажриба таълим-тарбия самарадорлиги омили: Илғор ўқитувчилар иш тажрибасидан. 2000. 23-б.

Мадалиева М. Саҳнада математика: Ўқитувчилар иш тажрибасидан: Ўрта мактаб ўқитувчилари учун қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1991. 88-б.

Маматов М. Математика дарсларида иқтисодиёт масалалари ва уларни гуруҳларга ажратиш // Узлуксиз таълим. 2002. № 4. 12-21-б.

Матназаров Ҳ., Ҳасанов О. Ўқитувчининг касбий-амалий тайёргарлиги // Илм сарчашмалари. 2001. №,1. 54-55-б.

Маҳкамов М., Умарова Г. Мактабда биология кечалари: Ўқитувчилар учун ўқув-метод.қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1993. 64-б.

Миржалолова Л. Ўзбек тили машғулотларида мавзувий савол-жавобларни ташкил этиш // Мактабгача таълим.2002. № 2. 15-16-б.

Омилхонова М. Мактабда она тили: синтаксисни ўргатиш: Ўқитувчилар у-н қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1991. 192-б.

Ражабов Ф., Машарипова О. Факультатив машғулотларнинг самарадорлигини ошириш омиллари: Методика // Илм сарчашмалари. 2001. № 1. 49-54-б.

Ражабова Д. Фортепиано машғулотлари: Таълим методикаси.Т.: Ўқитувчи, 1994.128-б.

Расулов М. Ўрта Осиё табиатшунослик фанлари тарихи: Биология ўқитувчилари учун қўлл. Т.: Ўқитувчи, 1993. 72-б.

Сайидаҳмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. Т.: Янги аср авлоди, 2001. 40-б.

Сафоева Э., Шоймардонов И. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиш: Умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун. Т.: Ўқитувчи, 1993. 80-б.

МАҲОРАТ ВА ИЗЛАНИШ ЙЎЛИ

Абдувоҳидов Н., Салоҳитдинова М. Педагогика фани фидойиси: Нуроний устоз Н. Сафаров ҳақида // Ma'rifat. 2002. 18 май.

Абдуллаева С. Ўлкамизда баҳор: Муаммоли машғулотлар баёни // Мактабгача таълим. 2002. №4. 6-7-б.

Айтимов М. Сахий қалбли мураббий: Таълим фидойилари // Ma'rifat. 2002. 18 сент.

Валиева М. "Қалбимда тиклаган яшил туғимсиз": Таълим фидойилари // Ma'rifat. 2002. 7 сент.

Жовлиев Б. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчига қандай ёрдам берамиз?: Муаммо // Ma'rifat. 2002. 13 ноябрь.

Жовлиев Б. Ўқитувчи бахти ўқувчиси ютуғида: Мактаблар ҳаётидан // Ma'rifat. 2002. 15 май.

Икромов А. "Билиминг-дан бошқалар ҳам баҳра олсин": Ёхуд таълим самарадорлигини оширишда семинар-тренингларнинг ўрни хусусида // Ma'rifat. 2002. 17 июль.

Исломов А. Яхшиларнинг меҳри унутилмайди: Таълим фидойилари // Ma'rifat. 2002. 25 май.

Караковский В.А. Ҳақиқий инсон тарбиялайлик.-Т.: Ўқитувчи, 1992. 160-б.

Касбий такомил ва фаолият самараси: Методик тавсия ва кўрсатмалар. 2000. 24-б.

Климова С. Гўзаллик ҳам тарбиялайди: Ўзбекистон ҳақида машғулот // Мактабгача таълим. 2002. №10. 6-7-б.

Митисаева З. Табиат ажойиботлари: Катта гуруҳ учун таълимий ўйин // Мактабгача таълим. 2002. № 7. 10-11-б.

Риза Л., Ҳамро Г. Байрам қувончлари: 1 сентябрь Мустақиллик байрамига бағишланган машғулот // Мактабгача таълим. 2002. № 9. 4-б.

Сатторова Н. Хайр, боғчажон, салом, мактаб!: Мужассам машғулот баёни // Мактабгача таълим. 2002. № 7. 12-14-б.

Суннатова С. Баҳор таронаси: Байрам сценарийси: Наврўзга бағишланган // Бошл. таълим. 2002. № 2. 16-17-б.

ИЗОҲ:

Таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнларига мослаш асосий вазифалардан бири саналади.

Кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ҳам миллий дастурнинг вазифаларидан ҳисобланади. Бу эса таълим муассасалари, педагог ва мутахассис кадрлар сифатига алоҳида талаб қўяди. Шундан келиб чиққан ҳолда Республика илмий-педагогика кутубхонаси, илмий библиография бўлими томонидан ушбу кўрсаткич тузилди ва у ёш педагог ҳамда мураббийлар, педагог ходимлар ва барча қизиқувчиларга ҳавола этилди.

Тузувчилар:
М.ГАПАРОВА,
Ю.ИЛЬЯШЕНКО

RESPUBLIKA ILMIY PEDAGOGIKA KUTUBXONASI

Odatda yig'ilishni ko'pchilik xushlamaydi. Sababiki, yig'ilish — vaqt "o'g'risi".

Zamonaning zaylini qarangki, endigina 6,7 yoshga kirgan murg'akkina bolalar boshida ham katta tashvish.

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

(43-мақола)

Qonun va fuqaro

Мазкур қонун 1993 йилнинг 6 майида қабул қилинган. Қонун 29 моддадан иборат бўлиб, у ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъи назар, меҳнатни муҳофаза қилиш ягона тартибларини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

Мамлакатимиз бугунги кунда халқаро меҳнат ташкилотининг аъзосидир. Бинобарин, ушбу ташкилот доирасида қабул қилинган меҳнат муносабатларига оид конвенцияларга қўшилишимиз, у томонидан бериладиган тавсияларга амал қилишимиз табиийдир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунига кўра, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситаларини қамраб олади.

Қонун мулкчилик, хўжалик юритишнинг шаклидан қатъи назар, барча корхона, муассаса, ташкилотларнинг ходимлари, ёлланиб ишловчилар, таълим муассасалари талаба-ўқувчилари, корхоналарда ишлашга жалб этилган ҳарбий хизматчилар, муқобил хизматчилар, ахлоқ тузатиш муассасалари корхоналарида суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахслар, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган барча турдаги фаолият иштирокчиларига нисбатан амал қилади.

Қонунда ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қатор кафолатлари белгиланган. Жумладан, стандартлаш, эргономика, меҳнатни муҳофа қилишга доир қоидалар ва меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш, технологияларни жорий этишга, шунингдек, хориждан сотиб олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди;

ҳеч бир янги ёки қайта қурилаётган корхона, ишлаб чиқариш воситалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда бериладиган хавфсизлик шаҳодатномасига эга бўлмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши мумкин эмас;

белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли назорат идоралари берадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этишлари шарт;

— меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилади;

— йўл қўйиладиган энг кўп меъёрлари (концентрацияси) ишлаб чиқилмаган ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтмаган зарарли моддаларни ишлаб чиқишда қўллаш тақиқланади.

Корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда ишловчиларга давлат бошқаруви идоралари белгиланган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекция воситалари, сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Қонунга кўра, ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади. 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари ташкил қилинади. Бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий суғурта қилинишлари шартлиги ҳам қонунда белгиланган. Бахтсиз ҳодиса ёки касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга қонунларда белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта бериладиган нафақа ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тўлайди. Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномаси билан белгиланади ва у жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги лозим, деб нормалайди қонун.

Миродил БАРАТОВ,
Шоира ЮЛДАШЕВА

ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН БОЛАЖОН!

Инсон ўз ҳаёти даврида рўй берган барча воқеаларни эслай олмайди. Бунга зарурат ҳам бўлмайди. Лекин шундай кунлар бўладики уни бутун умр ёдда сақлаб юради, киши. Ана шундай ёдда қоларли кунлардан бири илк бора мактаб остонасига қадам қўйган кунидир.

Бугун биринчи синфга болалар ҳарфларни таниган ҳолда келмоқда. Уларга боғча ва махсус тайёрлов гуруҳларида савод ўргатилмоқда. Ҳозирги болаларнинг баъзилари эса махсус синовдан ўтиш учун тайёргарлик кўришмоқда. Ҳа, улар иқтидорли болалар синфига кириб ўқиш тараддудида.

Бугунги ота-оналарнинг ҳам ташвишлари ўзгача. Улар ўз фарзандларини шундай синфларга тайёрлаш учун репититорларга топширишмоқда. Нима ҳам деймиз, замон талаби шунақа.

Биз шу кунларда Тошлоқ туманидаги 2-боғча-гимназиясида бўлганимизда худди шундай ҳаяжонли дамлар устидан чиқдик. Бу ер фарзандларини бугунги синовга етаклаб келган ота-оналар билан гавжум. Уларнинг қўлларида гул, юзларида эса "Фарзандим синовлардан яхши ўтиб олармикан" деган ташвиш ифода этаётганлиги шундоққина билиниб турибди.

— Боғчамизда гимназия синфи 1996 йилда ташкил этилган, — дейди унинг раҳбари М.Азимова. — Шундан буён ҳар йили битта синфга иқтидорли болалар махсус синов асосида қабул қилиниб, улар тўрт йил давомида шу ерда таълим-тарбия олишади. Ўтган етти йиллик тажриба шуни кўрсатадики, боғча-мактаб мажмуаси талай афзалликларга эга экан. Биринчидан, шу боғчада ўсиб-улғайиб, кўникма ҳосил қилган болалар яна ўзлари ўрганиб қолган даргоҳда ўқий бошлайдилар. Бу эса, болани бегона жойга бориб, ўша жойга ўрганишгача бўлган ётсирашлик давридан халос этади. Иккинчидан, тайёрлов гуруҳидаги тарбияланувчилар гимназия синфига махсус дастур асосида тайёрлаб борилади. Гимназия синфимиз ўқувчиларига инглиз, рус тиллари чуқурлаштирилиб ўргатилади. Тайёрлов гуруҳи битирувчиларининг аксарият қисми 8-10 тадан шеър, халқ эртакларини ўз она тилларида ёддан айтиб бериш билан бирга инглиз, рус тилларида санаш, саломлашиш каби илк сабоқни ҳам олишади. Ота-оналар томонидан фарзандларини гимназия синфимизда ўқитишга бўлган истак ортиб бормоқда. Чунки бизнинг илк қалдирғочларимиз тумандаги 2-мактабнинг гимназия синфларида, Марғилон шаҳридаги "Истиқбол" гимназиясида аъло баҳоларга ўқишмоқда.

Ҳа, бугунги ота-оналар ўз фарзандларининг истиқболини ўйлаб иш тутишмоқда. Улар биладики, фарзандлари яхши билим олса, иқтидорли бўлса, уларнинг келажаги порлоқ бўлади.

Ҳаяжонли дамлар бошланди. Қабул комиссияси ўз ишини бошлади. Комиссия раиси, туман халқ таълими бўлими мудири ўринбосари М.Қўшоқов, аъзолари — туман тиббий маркази раҳбари Б.Ҳакимов, шу марказнинг врачи А.Ҳошимов ва бошқа мутахассислар болаларни махсус қўлланма, психологик-педагогик тиббий варағи асосида синовдан ўтказа бошлади. Бир навбатда 6-7 нафар болалар синов хонасига таклиф қилиниб, уларга ана шу варақлар тарқатилди. "Икки предметнинг бир-бирига таллуқлигини топ", "Керакли ямоқни жойига қўй" каби 6 топшириқдан иборат саволнома асосида тўпланган балл бўйича болалар билими синовдан ўтказилди.

— Кўрганингиздек, болалар билимли иқтидорли, лекин холис синовдан ўтказилди, — дейди М.Қўшоқов. — Барча топшириқлар бўйича 20 баллдан юқори баҳо олган бола иқтидорли деб топилади ва улар шу синфга қабул қилинади. Аслида ҳар йили ҳам шу боғчада тарбияланганларнинг аксарияти синовлардан муваффақиятли ўтиб, гимназия синфи ўқувчилари бўлишади. 15, 20 фоиз болалар эса бўшаб қолган ўринлар учун ташқаридан олинади. Албатта, синов асосида.

Замонанинг зайлини қарангки, эндигина 6, 7 ёшга кирган мурғаккина болалар бошида ҳам катта ташвиш. Бу эзгулик ва истиқбол, порлоқ келажак сари қўйилажак пойдевор ташвишидир. Ана шу пойдеворга қўйган илк қадамнинг қутлуғ бўлсин, болажон!

Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ: БОҒЧАЛАРДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?

Maktabgacha ta'lim muassasalarida

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Бу боғлиқлик қаноатланарли дея оламизми? Эрта-индин илк бора мактаб остонасига қадам қўядиган болажонларимиз замонавий билимлар сабоғини олмоққа тайёрми? Бир сўз билан айтганда, мактабгача таълим комилликнинг бўсағасига айлана олаяптими?.. Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузуридаги "Методика маркази" мактабгача таълим мутахассиси Махфират Қурбонова билан уюштирган мулоқотимиз ана шу мавзу атрофида бўлди.

— Вилоятдаги 251 та мактагача таълим муассасаларига 27029 нафар бола жалб этилиб, бу қамрашнинг 27%ини ташкил этиши мактабгача таълимни янги-янги кўринишларда олиб бориш мажбуриятини юклайди. Дарҳақиқат, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мактабгача таълим деганда ҳудуддаги мактабгача ёшдаги барча болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш кўзда тутилган. Албатта, фарзандларимизни тўлиғича боғчага жалб этиш анча мушкул. Лекин бу, боғчага қатнамайдиган болажонларимизни эътибордан четда қолдириш дегани эмас. Шу йил Учқудуқдаги бешта, Конимехдаги битта ёпилиб қолган боғчалар қайта иш бошлади. Вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Болаларни мактабга тайёрлаш Истиқбол дастури" яратилган. Шу асосда мактабгача таълим муассасаларига қатнамайдиган 15798 нафар бола турли ноанъанавий гуруҳларга, жумладан "Шанба-якшанбалик" гуруҳлари, "Қисқа муддатли гуруҳлар", "Хонадон боғчалари", "Мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳлари"га ҳамда "Саводхонлик марказилари"га жалб қилинган.

— Бу ҳаракатларнинг натижаси қандай бўлаяпти?

— Албатта, болаларни мактаб таълимига пухта тайёрлаш мақсадини кўзловчи турли ноанъанавий мактабгача таълим муассасаларини ташкил қилиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Мактабгача таълим муассасаларининг бундай янги турлари ўзининг қулайликлари билан юқори самара бермоқда ва ота-оналар ўртасида бундай муассасаларга талаб кундан кунга ўсиб бораяпти. Чунки бу муассасалардаги муҳитнинг оилавий шароитга яқинлиги, болалар сонининг камлиги жиҳатдан уларга қулайлик туғдирмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг "Болаларни мактабга тайёрлаш дастури", "Боғча-мактаб мажмуаси"нинг намунавий Устави ва ҳужжатларни юритиш тўғрисида йўриқнома", "Таълим муассасалари қошида, жамоат ташкилотлари ва бошқа турдаги муассасаларда болаларни мактабга тайёрлаш марказлари ташкил этиш бўйича йўриқнома асосида ишни ташкил этганмиз. Айниқса, мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳларида олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишлар диққатга сазовардир. Жумладан, Қизилтепа, Хатирчи, Конимех, Кармана туманларида болаларни мактабга тайёрлаш ишлари яхши йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, оилада таълим-тарбия олаётган болаларнинг ота-оналари учун "Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастури ҳамда "Болангиз мактабга тайёрми?" ўқув дастури асосида "Оналар мактаби" ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, йиллик иш режа асосида ҳафтада икки марта машғулотлар ўтказилмоқда. Вилоят халқ таълими бошқармаси давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими томонидан "Мактаб таълимига ота-оналар томонидан болаларни тайёрлаш жараёни давлат талаблари даражасига мослигини ўрганиш дастури" ишлаб чиқилиб, Навбаҳор, Хатирчи, Учқудуқ, Конимех, Қизилтепа туманлари боғчалари мисолида мактабгача таълим муассасаларига жалб этилмаган маҳалла болаларидан махсус тест асосида мактабга тайёргарлик даражаси синаб кўрилди. Хулоса анча яхшию, лекин мактабгача таълим муассасаларига қатнаётган болаларнинг бу борадаги кўрсаткичлари барибир юқори...

— Айни пайтда вилоятдаги 9 та мактабгача таълим муассасалари ҳусусийлаштирилган. Бу жараён ўзини оқлаяптими? Сармоядан ташқари маблағ топиш қандай йўлга қўйилган?

— Бу ҳақда гап кетганда аввало, Хатирчи туманидаги "Пахтаой" болалар боғчасида олиб борилаётган ибратли ишларни тилга олиш жоиз деб биламан. Ишбилармон мудира Замира Халилованинг болалар боғчасини хусусийлаштирганига кўп бўлгани йўқ. Аммо раҳбар ўз ҳисобидан боғчада кеча-кундуз давомида ишлаб турувчи гуруҳлар ташкил этди, мутахассис кадрларни танлаб ўз ўрнига қўйди. Гуруҳларни болаларнинг ёш даврига қараб жиҳозлашга, кичик музей, нафосат хоналарини ташкил этишга бош-қош бўлди. Бу, иш самарадорлигини оширишда катта аҳамият касб этди. "Пахтаой" болалар боғчаси жамоаси болаларнинг қўғирчоқ театрига бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида бир неча йиллардан бери "Қўғирчоқларни ясаш ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш" бўйича услубий уюшмада иштирок этиб, турли қўғирчоқлар, ниқоб театри учун персаножлар, бармоқ театри ва бошқа қўғирчоқ театри турларини яратиш бўйича бой тажрибани вилоятдаги бошқа мактабгача таълим муассасаларига ҳам ўргатиб келмоқдалар. Жажжилар масканида "Моҳир қўллар устахонаси" ташкил этилиб, унда турли хилдаги қийқим материаллардан болалар учун қизиқарли ҳамда миллий ўйинчоқлар ясалади.

Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Нурота туманидаги "Феруза", "Шалола", "Мўъжиза", Қизилтепадаги "Оққуш", Навоий шаҳридаги "Турнахон", "Наврўз" болалар боғчаларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур даргоҳларда ажратилган ер майдони, боғ, кичик ферма ва пуллик тўгараклардан тушган фойдадан боғчанинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, ривожлантирувчи воситалар, ўйинчоқлар сотиб олиш, кичик музей, маънавият, нафосат хоналарини ташкил этишда фойдаланилмоқда.

— Сизнинг 2001 йилда Республика Таълим маркази томонидан чоп этилган "Саломатлик алифбоси" китобингиз нафақат Навоий балки, Республикамизнинг кўплаб вилоятларидаги мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларининг севимли нашрига айланиб, кенг фойдаланилмоқда. Ноанъанавий август кенгаши иштирокчилари учун ҳам 10 дан ортиқ тавсия, қўлланма, машғулотлар ишланмаси ва байрам сценарийларини тайёрлагансиз. Сиз уларни яратишда асосан нималарга эътибор қаратдингиз?

— "Педагогнинг диагностик картаси", "Мактабгача таълимни такомиллаштиришда методик тавсиялар", "Тест сўровномалар", "Мактабгача таълим муассасаларида илғор педагогик технологияни қўллаш методикаси" "Мактабгача таълим муассасаларида педагог ходимларнинг иш тажрибасини оммалаштириш юзасидан методик тавсиялар", "Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари учун савол-жавоблар тўплами" ва бошқа қўлланмалар чиқаришга кўп йиллик тажрибалар ва кузатишларим асос бўлди.

Ҳозирда ҳам Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика университетининг дифектология факультети декани, педагогика фанлари доктори М.Ҳайдаров раҳбарлигида "Мактабгача таълим ёшидаги болаларда аҳлоқий сифатларни шакллантиришда интерактив усуллар" мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораяпман.

Ниятим, вилоятимизда мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш, мактабгача таълим ёшидаги болаларни нафақат ақлан етук, жисмоний соғлом қилиб тарбиялаш, балки халқимизнинг миллий тарбия анъаналарига асосланиб, уларни маънавий етук инсон қилиб тарбиялаш соҳасида олиб борилаётган хайрли ишларга оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшишдир.

Тарбиячиларнинг малакасини ошириш курсларида ҳам педагогика фанини ўқитиш сифатсамарадорлигини ошириш вақти келди, деб ўйлайман. Чунки, мактабгача таълим олдига қўйилган талаблар тарбиячидан тарбия психологияси ва педагогикасини чуқур билишни, ундан унумли фойдаланиш, илғор педагогик технологияни қўллаш, чуқур билим, маҳоратга эга бўлишларини талаб этади.

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ДЕКАНЛАР ЙИҒИЛИШИ:

у таълим сифатига ижобий таъсир этади

Tahlil

Одатда йиғилишни кўпчилик хушламайди. Сабабики, йиғилиш — вақт "ўғриси". Истайсизми, истамайсизми, уни ўтказиш, масалаларни муҳокама қилиш ва бунинг учун маълум доирадаги кишиларнинг бошини бир жойга бириктириш анча-мунча саъй-ҳаракат талаб қилади. Аммо сирасини айтганда, йиғилишнинг маълум шакли сифатида тан олинган анжуман, семинар, учрашув, давра суҳбати ва ҳоказолар қандайдир мақсадлар учун хизмат қилади.

Шу маънода қарайдиган бўлсак, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилаётган деканлар йиғилиши ҳам ўз гарданига маълум вазифаларни олган. У 2002 йилнинг январь ойидан бери мунтазам равишда ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса бевосита "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ижроси билан боғлиқ. Дастурнинг IV бўлими "Таълим тизимини бошқариш" деб номланади ва унда **"... таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш" кераклиги кўрсатилган.**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўз тасарруфидаги таълим даргоҳлари 33 та бўлиб, уларда магистратура билан қўшиб ҳисоблаганда, 256 та факультет бор. Бундан ташқари ҳар бир муассаса қошида малака ошириш факультетлари ҳам ташкил этилганки, уларнинг барчаси таълим жараёнини ташкиллаштириш ва бошқаришда муҳим бўғин ҳисобланади. Демак, деканлар йиғилишини мунтазам равишда ўтказишнинг заруриятини ҳам ана шу ҳолат билан боғлаш мумкин.

Ҳозирга қадар деканларнинг 20 та мажлиси ўтказилди. Мажлис кун тартиби, масъуллари ва манзиллари олдиндан тузилган режада акс эттирилади. Муҳокама қилинадиган мавзуларнинг барчаси ҳам таълимдан ҳоли эмас ва долзарб характерга эгадир. Агар уни таълим йўналишлари бўйича тақсимлайдиган бўлсак, 11 тага жамлаш мумкин. Масалан, иқтисодиёт, педагогика, мусиқа ва амалий санъат, ижтимоий йўналишлар ва филология, чет тиллари, ахборот технологиялари, техника, технология, қишлоқ ва меъморчилик каби.

2002 йил мобайнида ўтказилган йиғилишлар деканларни маълум даражада таълим тизимини юқоридан берилган кўрсатмалар асосида бошқаришга йўналтирди. Агар бундан аввал деканларга турли масалалар ректорат ёки ҳайъат йиғилишлари қарорлари орқали етказилган бўлса, эндиликда айнан шу ҳолат тўғридан-тўғри муҳитни юзага келтирди. Ва бу деканларнинг факультетни бошқаришдаги ролини ҳам бир қадар оширмоқда.

Семинарни қандай шаклда олиб борган маъқул? Кимлардир маърузачи, кимлардир тингловчи бўлган анъанавий шакл афзалми ёки бундан фарқли ўлароқ, ишчанлик, ўзаро баҳс-мунозара асосида ташкил этиш керакми? Деканлар бир овоздан иккинчи шаклни танлашди. Ваъзхонликка асло ҳожат йўқ, бу — зерикарли усул. Шу ўринда **ихтисослашган семинар**нинг уюштирилаётганлиги диққатга сазовор. Бу семинарда деканлар ўз факультетлари таълим йўналишлари юзасидан амалга ошираётган ишлар доирасида баҳс-мунозара юритишади. Бу эса уларнинг бир-биридан иш ўрганишларига ҳам имкон беради. Шуниси эътиборга лойиқки, деканларнинг ёзма ахборотномалари рисола ҳолига келтирилиб, вазирликнинг тегишли бошқармасида сақланмоқда. Хусусан, Тошкент автомобиль йўллари институтида шу йил 12 июлда бўлиб ўтган ихтисослашган семинар материаллари билан танишсангиз, бунинг расмиятчилик эмас, рост эканлигига амин бўласиз. Семинар "Янги ўқув йилига тайёргарлик ва олий ўқув юртларида ёзма иш ва имтиҳонлар натижалари" мавзусига бағишланган бўлиб, бир қанча деканларнинг фикр-мулоҳазалари тингланган эди. Булар эса тўплам қилинган.

Асосий семинар эса эртаси куни бўлади. Бунда ҳам маърузабозликка ўрин йўқ. Кун тартибидаги масала бўйича иштирокчиларга аввалдан тайёрланган маъруза матни тарқатилади. Агар кимдаки кун тартибидаги масала бўйича фикр-мулоҳаза туғилса, марҳамат, минбар уники! Аммо у узоғи билан уч-тўрт дақиқа гапириши керак.

Деканлар йиғилиши кун тартибига мавзулар белгилашда, аввало, таълим сифатини ошириш билан боғлиқ жиҳатлар инобатга олинмоқда. Чунончи, 2003 йил белгиланган иш режасида Вазирликнинг 2001-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган иш режаси 57 та бандни ўз ичига қамраб олади. Бу вазифалар аслида юқоридан қўйига тамойили асосида бажарилади. Вазирлик ректоратга, ректорат деканатга, деканат эса кафедра ўқитувчиларига таянади. Аммо гапнинг лўндасини айтганда, асосий бўғин яна деканат эканлигини тан олмай иложимиз йўқ. Ана шу 57 та банддан келиб чиқадиган вазифалар асосида 40 та йўналиш белгиланиб, бунинг ичига 1000 та савол киритилди. Саволлар деканларга тарқатилди. Вазирликнинг Кадрлар, илм-фан, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бош бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган бу саволлар ҳаддан ташқари банд бўлган деканларга ортиқча ташвиш туғдирадигандек ҳам туюлади. Лекин, тушунган киши буни бошқачароқ қабул қилади. Бошқарма ходимлари ҳозирга қадар аксарият деканлардан қониқарли жавоб ололганича йўқ. Демак, ҳали олий таълим муассасаларида ўқув сифати ҳақида гапиришга вақт бор.

Биз юқорида вазирлик фақат ўз тасарруфидаги муассасалар билангина деканлар йиғилиши ўтказаётганини таъкидлаган эдик. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамаси, халқ таълими, ташқи ишлар, соғлиқни сақлаш, адлия, маданият ишлари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари ихтиёрида ҳам институт, университетлар бор. Аммо деканлар семинарига бу даргоҳлар вакиллари келиш-келмаслиги ихтиёрий. Кейинги ойлар мобайнида юқоридаги вазирликларга тегишли олий ўқув юртлари деканлари ҳам бу семинарга қатнаша бошлашди. Улар йиғилишдан ўзлари учун маълум хулосалар олиш мумкинлигини англаб етишмоқда. Айниқса, Жиззах давлат педагогика институти деканлари ҳар бир йиғилишда тўлиқ ва фаол иштирок этишаяпти.

Йиғилиш ортиқча вақт, сарф-харажат, оворагарчиликлар туғдирмаяптимикан? Чунки олис вилоятлардан пойтахтга келиб-кетишнинг ўзи бўлмайди. Худди шу савол билан бошқарма бошлиғи ўринбосари Ҳотам Раимовга мурожаат қилганимизда, ўзимиз кутгандан сал бошқачароқ жавоб олдик:

— Аксинча, деканлар бундай семинарни ташкил этганимиз учун раҳмат айтишмоқда. Чунки уларнинг вазирлик билан тўғридан-тўғри алоқаси йўлга қўйилди. Улар бу семинарда бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиш, тажрибалар алмашиш имкониятига эга. Пойтахтга келиб-кетишда деканлар уюшқоқ бўлиб қолишган. Масалан, самарқандликлар, бухороликлар, қаршиликлар ўша куни битта транспорт ташкил қилишади. Фақат Қорақалпоғистон ва Хоразмдан вакилларнинг келишида қийинчилик кузатилмоқда. Биз буни ҳам оқилона ҳал қилдик. Улардан ҳамма деканларнинг келиши шарт эмас, битта вакил келса, кифоя. У семинар тафсилотини бошқаларга етказишга масъулдир.

... Ўқув жараёни "қайнайдиган" жой, аслида деканат. Декан эса факультетни бошқарувчи шахс. Унинг бошида минг хил ташвиш, гоҳ у, гоҳ бу масала учун елиб-югуради. У олдиндан санаси белгиланган семинарга бориш учун вақтини қизғанмаса ёки энсаси қотмаса, деканлар йиғилишини ҳар ойда ўтказиш, биз юқорида фикр юритганимиздек, ўзининг ижобий самарасини беришига шак-шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ИЖОБИЙ ҚАДАМЛАР

Tashxis markazlarida

Жарқўрғон туман ташхис марказида тумандаги барча таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг тиббий аҳволи, психологик ҳолати, қизиқишлари ҳақида маълумотлар тўпланган. Шунингдек, тумандаги 55 та мактабдаги касб-ҳунарга йўналтирувчи ва амалиётчи психологлар билан алоқа йўлга қўйилган. Уларнинг 52 тасида касб-ҳунарга йўналтириш, 19 тасида тиббиёт, 47 тасида психологик хизмат хоналари бор.

Ташхис Маркази меҳнат, соғлиқни сақлаш туман бўлимлари билан ҳамкорлик қилади. Бу ижобий самаралар беряпти.

Битирувчиларга қизиқишларига қараб турли ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига йўлланмалар берилмоқда. Масалан, амалдаги йилда 3903 нафар битирувчи узлуксиз психологик-педагогик ташхис дафтарлари билан таъминланган. Ўтган йили 3617 нафар йигит-қиз 9-синфни битирган бўлса, уларнинг 2643 нафари 10-синфни умумтаълим мактабида тамомлади. 974 нафари эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчилари бўлишди.

Халқ таълими бўлими ЎМКҲТ муассасалари билан яхши алоқани йўлга қўйган. Туманда мавжуд 3 та коллежда ёшлар қурилиш-пардоз ишлари устаси, гидротехника, ёғочга ишлов бериш, ҳисобчи, котибалик иши, автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш, коммуникация тизимини ишлатиш ва хизмат кўрсатиш, радиоалоқа, телевидение ва радиоэшиттириш каби касб сирларини эгаллаяпти. Ташхис маркази томонидан мактаб психологлари, касбга йўналтирувчилар учун ўтган йили қатор семинар ва ўқув машғулотлари ўтказилди. Бундан ташқари, амалиётчи рухшуносларнинг ҳар ойнинг биринчи пайшанба, касбга йўналтирувчилар учун эса ҳар икки ойнинг биринчи пайшанба кунида доимий равишда семинарлар олиб борилмоқда.

Аммо, Ташхис марказида ҳали ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Касб-ҳунарга йўналтирувчиларнинг 38 нафари ўрта махсус маълумотли, амалиётчи психологларнинг кўпчилиги эса етук мутахассис эмас. Бунинг устига, малака ошириш курсларини ўтмаган. Халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактабларда ўрта махсус тиббий ходимлар учун алоҳида штат бирликлари ажратилмаган.

Хуллас, Жарқўрғон туманида Ташхис маркази ходимлари замон талаблари даражасида ишлаш учун астойдил интилмоқдалар.

Н.ТЎРАЕВ

САДДАМНИНГ ТАНСОҚЧИСИ УШЛАНДИ

Тикрит шаҳрида ўтказилган операция чоғида Америка аскарлари Саддам Ҳусайннинг тансоқчиларидан бирини ҳибсга олган, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги. Ироқда турган АҚШ армияси полковниги Стив Расселлнинг айтишича, қўлга олинган шахс аввалига қаршилик кўрсатган, бироқ олиб борилган тезкор ҳаракатлар туфайли у ҳибсга олинган. Шунингдек, Тикритда Саддам Ҳусайн тарафдорлари дея гумон этилган икки киши ҳам ушланган.

АҚШ марказий қўмондонлиги матбуот хизматининг хабарига кўра эса, мамлакат пойтахти Бағдод шаҳрида ҳаракатланаётган армия автоколоннасига номаълум кишиларнинг қўлбола граната улоқтиришлари боис, бир Америка аскари ҳалок бўлиб, уч нафари жароҳатланган. Шу билан, Саддам Ҳусайн ўғиллари Удей ва Кусейлар ўлдирилганидан сўнг америкаликлар томонидан берилган талофатлар 5 кишига етган.

ШАРОН ВА БУШ УЧРАШУВИ

Кеча Вашингтонда АҚШ президенти Жорж Буш ва Исроил бош вазири Ариэл Шаронлар ўртасида икки томонлама мулоқот бўлиб ўтди. Учрашувда асосан Яқин Шарқ бўйича ишлаб чиқилган "Йўл харитаси" режасининг бажарилиши, томонларнинг тинчлик учун бир-бирларига ён беришлари лозимлиги ҳақида гап борди. Шароннинг Вашингтонга келиши олдидан эса, Исроил ҳукумати ўз қамоқхоналарида сақланаётган фаластинлик, хусусан, 210 нафар ХАМАС ва "Ислом жиҳоди" ташкилотлари жангариларини, 210 нафар ФАТХ ҳаракати аъзоларини ҳамда 120 нафар турли жиноятларни амалга оширган маҳбусларнинг озод этилишини маълум қилган эди. Айнан бу воқеа Жорж Буш томонидан юқори баҳоланди ва Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғида бетонли девор билан чегарани бўлиб чиқиш мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланди.



Ўтган жума куни эса президент Буш ўз қароргоҳида Фаластин бош вазири Маҳмуд Аббосни қабул қилганди.

ЖАНГАРИЛАР ТАСЛИМ БЎЛИШДИ

"Интерфакс" агентлигининг билдиришича, кеча Чеченистондаги ноқонуний қуролли тўдалардан бирининг 6 нафар аъзолари ўз хоҳишлари билан маҳаллий ҳокимиятга таслим бўлганлар. Шимолий Кавказдаги аксилтеррор операциялар бўйича тезкор штаб вакили Илья Шабалкиннинг айтишича, жангарилар қурол-яроғ сақланаётган омборни ҳам ошкор этганлар. Бугунга қадар чечен жангариларидан ўз хоҳишлари билан таслим бўлиб, қурол топширганлар сони 200 кишидан ортди. Шунингдек, уларнинг 103 нафарига ҳукуматнинг авф тўғрисидаги қарори (амнистия) қўлланилади. 5 октябрга бориб президентлик сайловларининг ўтказилиши, кузатувчилар наздида республикадаги вазиятни юмшатиши керак.

Бироқ, Москвадаги Норд-Ост воқеаларидан кузатила бошланган камикадзе аёллар иштирокидаги хуружлар тобора ортиб бораяпти. Куни кеча белига портловчи моддалардан иборат камар тақиб олган аёл Аҳмад Қодировнинг ўғли Рамзон Қодировга нисбатан суиқасд уюштирган. Натижада террорчи аёлнинг ўзи ҳаётдан кўз юмиб, бир киши жароҳат олган. Воқеа Рамзон Қодиров жойлашган бино олдида юз берган. Россия федерал хавфсизлик хизмати эса "янги метод" дея айтилаётган "қора бевалар" (камикадзе аёллар) билан ишлашга киришган. Бундай аёлларнинг аксарияти эридан, отасидан, ўғлидан айрилган хотин-қизлар бўлиб, федерал хавфсизлик Чеченистондаги шундай аёл ва қизларнинг рўйхатини тузишга киришган.

АФҒОНИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТОПТАЛМОҚДА

Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи халқаро "Human Rights Watch" ташкилоти Афғонистондаги хавфсизлик билан боғлиқ ҳолатларни кескин танқид остига олди. Ташкилотнинг фикрича, мамлакатдаги дала қўмондонлари, маҳаллий ҳокимиятлар демократик ислоҳотларга тўсқинлик қилмоқдалар. Гарчи америкалик аскарларнинг мамлакатнинг маълум бир минтақаларида иштирок этишларига қарамасдан, пойтахт Қобулдан ташқарида дала қўмондонлари томонидан одамларни гаровга олиш, ўғирлаш ва ўлдириш, уларнинг ҳуқуқларини поймол этиш ҳолатлари кузатилмоқда. Улардан кўпроқ аёллар азият чекмоқдалар. Агарда халқаро ҳамжамият тинчликпарвар кучларни Қобул шаҳридан ташқарига чиқармаса, вилоятларга жойлаштирмаса янги конституция яратиш ва келгуси йилга мўлжалланган умумхалқ сайловларини ўтказиш бўйича саъй-ҳаракатлар бесамар кетиши мумкин.

Ҳуқуқ муҳофазачиларининг наздида, Ҳамид Карзай ҳукумати таркибидаги вакиллардан айримлари ҳам инсон ҳуқуқларининг бузилишларига йўл қўймоқдалар.

ШАҲАР ИСЁНЧИЛАР ҚЎЛИДА

Либерия ҳукуматининг билдиришича, ҳудуд жиҳатидан пойтахт Монровиядан сўнг иккинчи ўринда турадиган Бьюкенен шаҳри исёнчилар қўлига ўтган. Шунингдек, пойтахтда ҳам исёнчилар президент Чарлз Тейлор ҳукуматини ағдариш учун кураш олиб бормоқдалар. Бугун мамлакатда юзага келган фуқаролар уруши боис, аҳоли ўртасида турли муаммолар, хусусан, озиқ-овқат, ичимлик суви билан таъминлашда қийинчиликлар, уйларни тарк этиб, қочоққа айланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Жанубий Африка давлатлари раҳбарлари эса Либерияга тинчликпарвар кучлар киритиш бўйича ўзаро фикр алмашмоқдалар, дея хабарини якунлайди "Новости" ахборот маҳкамаси.

"Интернет" тармоғидан олинди.

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва касаба уюшмаси Ангрен академик лицейи директори М.Эшонқуловга отаси

Умурзоқ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ЎзМУ фалсафа факультети декани Акбар Ўтамуродовга онаси

Хосият аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

ЁЗДА ҲАР ЛАҲЗА — МАЗЗАДАН-МАЗЗА

Юртимизда олтин ёз фасли ўзининг тароватию ноз-неъматлари билан инсониятга саҳоват бахш этмоқда.

Мактабни тамомлаган йигит-қизлар ўзлари орзу қилган касб-ҳунар эгаси бўлиш истагида олий ўқув юртларига ҳужжат топширишу имтиҳон ўйлари билан банд бўлса, ёш болажонлар ёзги таътилни соғломлаштириш оромгоҳларида мазмунли ўтказмоқдалар.

Ана шундай сўлим масканлардан бири Қува туманидаги 5-умумтаълим мактабида ташкил этилган "Орзу" оромгоҳидир.

Бугун унда 150 нафардан зиёд болажонлар мириқиб дам олмоқда. Улар спортнинг кўплаб турлари бўйича, шунингдек, назм, мусиқа, рассомчилик бўйича ташкил этилган тўгаракларга қизиқиб қатнашмоқдалар. Жумладан, "Миллий каштачилик", "Нафис каштачилик", "Амалий санъат", "Бадиий ҳаваскорлик" ҳамда шахматшашка, футбол, сузиш каби спорт турларига астойдил қатнашиб, маълум ютуқларга эришмоқдалар.

Оромгоҳда ўтказилаётган танлов ва мусобақалар эса ўқувчилар қувончига қувонч қўшмоқда. Оромгоҳ бошлиғи Т.Аҳмедовнинг таъкидлашича, танловларда ғолиб чиққан ўқувчиларни, гуруҳларни (Ойбек Қодиров — шахмат; Шаҳзод Неъматов — қўшиқ; Барно Ортиқова — рақс, 3-гуруҳ — футбол бўйича) Қува туман "Камолот" ЁИҲ кенгаши моддий ва маънавий рағбатлантириб келмоқда.

Бош тарбиячи Насибахон Тешабоева бошчилигидаги тарбиячи ва етакчилар болаларнинг кўнгилли дам олишлари учун ҳамда уларда бирор касб-ҳунарга меҳр, қизиқиш уйғотиш, янги-янги ўйинлар ўрганишлари, маънавий шаклланишлари учун жонбозлик кўрсатмоқдалар

Зеро, болаларнинг бугунги мазза қилиб дам олишлари эртанги кун ўқишларини юқори кайфият билан, муваффақиятли бошлашларига замин бўлади.

Лолахон ИМИНЧАЕВА,
Қува туманидаги 12-мактаб ўқитувчиси

Seminar

БОЛАЛАРИМИЗ — УМИДЛАРИМИЗ

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси ва "Меҳр таянчи" маркази ҳамкорлигида "Алоҳида эътиборга муҳтож болалар: муаммо ва ечимлар" мавзусида конференция ўтказилди.

Маълумки, "Меҳр таянчи" марказига қаровсиз қолган ва ишлайдиган болаларга ижтимоий хизматни ривожлантириш мақсадида Буюк Британиянинг "Save the Children" ("Болаларни асранг") халқаро хайрия ташкилоти кўмагида 2002 йилда асос солинган эди. Марказ шундан буён халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида қатор амалий ишларни бажариб келмоқда.

Бу галги анжуманда оғир ҳаётий вазиятларда бўлган болалар билан олиб борилаётган ишлари бўйича мутахассислар маърузалари тингланди. Жумладан, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахмонованинг айтишича, балоғатга етмаганлар сони биргина пойтахтимизда 500 мингдан ортиқроқ бўлиб, уларнинг 800 нафари меҳрибонлик уйларида тарбияланмоқдалар Шунингдек, уларнинг орасида биз катталарнинг эътиборимиздан четда қолиб, кўча-кўй, бозорларда безорилик қилаётганлари ҳам йўқ эмас.

Ўтказилган тадқиқот натижаси шуни кўрсатадики, пойтахт кўчаларида юрган дайди болаларнинг аксарияти вилоятлардан келишган. Афсуски, уларнинг уйдан чиқиб кетишларига кўпинча ота-оналар сабабчи бўлмоқдалар. Шу боис Марказ фаолиятида ота-оналар билан ишлаш, тушунтириш ишлари олиб боришни кенг йўлга қўйиш керак.

Тадбирда меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болалар ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари: муаммолар ва уларнинг ечимларига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, бугунги кунда болалар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва бу йўлда олиб борилаётган профилактик ишлар борасида ҳам маълумотлар берилди.

Саид РАҲМОНОВ

ЕТТИ МЎЪЖИЗАНИНГ БИРИ

(Миср пирамидалари тарихидан)

Moziydan sado

... Ўша вақтларда ер юзида кишилар ертўлаларда яшашар, йўғон таёқ асосий кундалик тирикчилик воситаси эди. Мисрликлар эса ўша замонлардаёқ ўз давлатига эга бўлиб, солиқ ва суд тизимининг қандайдир шаклларида фаолият юритишар, меъморий обидалар қуришар, ҳисоблаш ва ёзишни ҳам билишарди. Қоҳинлар табақасига мансуб шахслар Фиръавннинг нафақат халқни бошқаришига ёрдам беришарди, балки тасаввуфчилар айтганидек, "маънавий энергетик канал"ни ҳам ушлаб туришарди (унда сеҳрли сўзлардан, рақамлардан, меъморий обидалардан фойдаланиш йўлга қўйилган бўлиб, бу юқори доирадаги кучлар орқали амалга оширилган). Бу ишни бажаришга даъвогарлар кўплаб руҳий ва маънавий синовлардан ўтказиларди. Грек файласуфи Платон бу расм-русумларни ўрганишга 9 йил уринди, Пифагор эса Мисрда 22 йилдан зиёд яшаб, бу анъаналар билан яқиндан танишди.

"Маълумотлар борки, — дейди астролог Александр Зараев, — масалан, қоҳин-меъморлар қандайдир асбоблардан фойдаланишган, баъзида уларни тошларнинг тузилишига қараб алмаштириб туришган. Улар фақат бу билангина кифояланишмади".

Ёзма манбаларда тилга олиб ўтилишича, уч буюк пирамида Миср давлати пайдо бўлмасдан анча олдинги даврларда вужудга келган.

ОСМОНГА ҚАРАБ ЗИНА

Тадқиқотчилар Гизада жойлашган буюк Миср эҳромлари устидаги жумбоқларни ечишга уринишган: улар Орион юлдузлар туркумига оид учта ёрқин юлдузни аниқтиниқ такрорлаб тургандек. У Сомон йўли орқали худди Нил дарёси ёнидан оқиб ўтгандек тасаввур уйғотади. "Очиқ-ойдин кўриниб турибдики, қадимий донишмандлар шундай усул билан осмондаги юлдузлар харитасини акс эттиришди ва Орион юлдузлар туркумини кўрсатиб, гўёки ана бизнинг азалий маконимиз қаерда, биз қаердан келганмиз, дегандек бўлишарди".

Мисрликлар пирамидаларни гавдалантиришда қуёш нурларини ҳам уйғунлаштиришган, поғонама-поғона, яъни зина шаклидаги кўриниш эса ўлган фиръавнларнинг осмонга кўтарилиб, юлдузлар орасида ўз ўрнини эгаллаб олишига ишорадир. Шундай қилиб, улар ерга илоҳий кучлар қаердан келгани, атлантлар қай тарзда пайдо бўлганига ишора тарзида пирамидалар қуришган. Машҳур Тутанхамон мақбарасида ҳайратомуз тасвирлар кўп. Масалан, қандайдир юлдузлардан пастда турган кишига нур узатилади. Бир ҳолатда у юракни нишонга олса, бошқасида эса "учинчи кўз"ни ана шу магия нуқтаи назаридан, икки муҳим марказни мўлжалга олади. Бу нима, қабулми ёки ахборотни узатишми? Қандай ахборотни ва кимга узатиш?

Гиза ясси тоғларидаги улкан иншоотни радиолокация ва экстрасенсор методлар асосида тадқиқ қилиш одамзотнинг бошқа олам билан алоқа ўрнатгани хусусида хулоса чиқаришга имкон беради. Энг катта пирамида "Ёғду" номи билан аталган ва у руҳиятга бағишланган жой деб ҳисобланган. Иккинчиси Хефрен — "Юқори" деб аталади. Унинг вазифаси инсонни яна ҳам юқори даражага кўтариш бўлган. "Кичкина" — Менкаура эса "Ташхис" деб номланган, кўзга кўринмас руҳоний-ўқитувчилар даъвогарни "кўриб чиқишган", унинг юқори доирадаги кучлар билан алоқа ўрнатишга муносиблигини ҳал қилишган.

"Подшоҳ камераси" (бугунги кунда сайёҳлар учун очилган ягона мўъжиза)дан жисмоний танадаги қалбнинг ўзга оламга чиқиб кетиши мақсадларида фойдаланишган. Тош тобутда эса бир қанча вақт Пифагор жасади ётганлигини ким ҳам биларди? У нимани тадқиқ қилди? Агар одам ширин уйқуга мириқиб қонмасдан, бедорликда давом этса, қанчадир вақт ўтиб, уни қўрқув чирмаб олади: кўз олдида бир-биридан дахшатли манзаралар намоён бўлади. Руҳият бардош берса, "қўрқитувчилар" йўқолишади, шунда кетма-кет " Нима учун бу ерга келдинг?" деб савол бериб, фикр алмашадиган ёрқин образлар пайдо бўлади. Кейинги воқеалар ҳам шунга ўхшаш тарзда давом этади.

"Подшоҳ камераси"да ўтган даврдаги ҳаёт ҳам "қараб чиқилган", айни пайтда келажакка назар солинган. "Пастки "кўмиш" камераси эса,деб ҳикоя қилади Зараев, фақат юқори доираларга тегишли бўлган, у ерда нимадир содир бўлаётганини бошқаларнинг билиши шарт эмас эди".

ҒАЛАТИ МАХЛУҚДА НИМА ЯШИРИНГАН?

Рус тасаввуфчиси Елена Блаватская ўзининг "Миср эҳромлари" асарида, улар учта эмас, еттита кошонадан иборат эканлигини ва пирамидалар бугунги кунда айсберг чўққилари каби кўринишини ёзган эди. Бир қанча вақт илгари немис олими Гантенбрик шахтадаги махфий эшикдан туриб бошқарилувчи роботлардан бири ҳақида гапириб ўтган. Бундан кейин нима бўлганлиги номаълум, чунки Миср ҳукумати кейинги тадқиқотларни ман қилган. Сфинкс, яъни ғалати махлуқни тадқиқ этишга рухсат беришмади, ваҳоланки унинг сиртида ҳам океан сувлари қолдирган изларни топилган эди (бундан чиқдики, у шу ерда ётган экан-да). Нимадир хавфлидек? Ўз вақтида узоқни кўра оладиган америкалик Эдгар Кейс деган киши бизнинг тасаввуримиздаги бу олам ҳақида анча-мунча ибодатхона қўлёзмалари борлигини айтган эди. Аслида ерда ҳамма нарсани бирлаштирадиган ягона куч мавжуд: Стоунхенждаги тош панжаралар, Миср ва Мексика пирамидалари, Кайласдаги тоғлар ва ҳоказо мўъжизалар коинотдан руҳий қувват келишини ва улар она ер сайёраси бўйлаб расамади билан тақсимланишини билдиради.

Қадимий пирамидалар пушти ранг плиталар билан қопланган ва олтин пирамидалар катта бўлмаган пирамидачаларга "кийгизилган". Улар православ черковларининг тилла суви югуртирилган гумбазларига тенглаштирилади, зеро улар нозик руҳий қувват берувчи аккумулятор ва трансформаторлар каби хизмат қилади ёхуд диндорларга ибодат чоғида ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Ҳозир бундай қопламалар ҳам, пирамидачилар ҳам йўқ. Эрамизгача бўлган биринчи асрларда рўй берган ер силкинишлари оқибатида нималардир қулаб тушган, одамлар эса ўз эҳтиёжлари учун нималарнидир ишлатиб юборишган. Шу боис ер икки минг йилдан бери ўзига керакли бўлган мўл-кўл энергияни ололмаяпти.

"Ўтган йилнинг февраль ойида, далв даври бошланди, — деб ҳикоя қилади астролог. — Бу инсоният учун маънавий етукликка имтиҳон фаслидир. Барча худбинликлардан покланиш даври 72 йилдан 216 йилгача давом этади".

Бунинг қанчалик даражада ҳақиқатга айланишини буюк ҳакам — вақт кўрсатади. Она сайёрамизда эса ҳаёт деб аталмиш буюк неъмат инсоният томонидан ҳозирча оқилона бошқарилмоқда.

Миср пирамидалари яратилгандан бери тўрт минг йилча вақт ўтди, аммо у худди кечагина яратилгандек. Эҳромларни кўриб, ҳайратланмаган кишининг ўзи йўқ. Ҳаттоки бутун оламни забт ва маҳв этиш орзуси билан яшаган буюк француз императори Наполеон Бонапартдек шахс ҳам эҳромлар олдида донг қотган...

"Аргументы и факты" газетасининг шу йилги *26-сонидан*
Ҳ.ТЎЙМАНОВА таржимаси

30 yillik xotira

БРЮС ЛИ: КУНГ-ФУ АФСОНАСИ

Брюс Ли сиймосини бутун дунё танийди. У дунёни Гонгконг фильмлари орқали шарқона яккакураш усуллари билан таништирди. Унинг вафотига 30 йил бўлса-да, Брюс Ли номи ҳамон жанг санъати саҳнасида буюклигича қолмоқда. Брюс Лига қадар жанг санъати ҳақидаги фильмлар ўзига хос йўналишга эга эди. Бу фильмлар билан фақат шарқона яккакурашга даҳлдор бўлган кишиларгина қизиқардилар.

Брюс Ли 32 ёшида вафот этди. У бор-йўғи тўртта фильмда бош ролни ўйнашга улгурди, холос. Аммо шунинг ўзи жанг санъатини 1970 йилларда маданий ҳаётни белгилайдиган мезонлардан бирига айлантириш учун ва кинонинг бу жанрини дунёга танитиш учун кифоя қилди. Брюс Ли Жет Ли ва Жеки Чан каби кунг-фу билан комедияни уйғунлаштириб Голливудда ҳам ўз мавқеига эга бўлиб олган юлдузлар учун кино сари йўл очганди.

ШАХСИЙ УСЛУБ

"Қаттиқ муштлар", "Аждаҳонинг чиқиши", "Хитойлик алоқачи" ва "Аждаҳонинг қайтиши" фильмларида суратга тушгач, Брюс Ли шов-шувлар ҳалқасида қолиб кетди. "Аждаҳонинг чиқиши" фильми эса унинг ғарбда ҳам шон-шуҳратга кўмилиб кетишига сабаб бўлди. Сценарист Дэвид Паркинсоннинг таъкидлашича, Брюс Лининг ягона ва такрорланмаслиги унинг шахсий услубга эга эканлигидадир. "Унинг жанг хореографиясида таъқиқланган усуллар йўқ ва одамлар каскадёрлик трюкларида қатнашаётгандай эмас, ҳақиқатан ҳам курашаётгандай туюлади", — деган эди Паркинсон Би-би-сига берган интервьюсида.

У 1940 йилда Сан-Францискода туғилган, аммо 1941 йилдаёқ уларнинг оиласи Гонгконгга кўчиб келишади. Унинг отаси актёр ва опера қўшиқчиси эди. Брюс олти ёшга тўлганида отаси унинг кинода суратга тушишини истаб қолади. Брюс рақсларни ўрганади ва мактабдаги безори болалардан ўзини ҳимоя қилиш учун жанг санъати билан шуғулланарди. У каратэнинг яқиндан туриб жанг олиб бориладиган тури — винчунь услубининг устасига айланди.

18 ёшидан бошлаб, Вашингтон Университетида фалсафани ўрганаётган Брюс Ли АҚШда яшай бошлади. У Линда Ли Кэдуэллга уйланди ва жанговар билими қўл келадиган Америка сериалларида суратга туша бошлади. Шу сериаллар сабаб уни таний бошлашди ва Стив Маккуин, Жеймс Коберн каби таниқли актёрларга жанг санъатини ўргата бошлади. Бу вақтга келиб Брюс Ли ўзининг янги "Жит кун до" деб номланган услубини ишлаб чиққанди.

Брюс Ли Голливудда ҳам ўз мавқеига эга бўлишни хоҳларди ва ҳатто "Кунг-фу" деб номланган телесериал режасини ҳам тузиб чиққанди, аммо ҳафсаласи пир бўлгач, 1970 йилда Гонгконга қайтади.

ҚАТЪИЙ ПАРВОЗ

Брюс Ли қайтиши билан учта фильмда суратга тушди. Бу фильмларда унинг қаҳрамони

доимо ожизлар ҳимоячиси бўларди ва ҳар хил ёвузлар ва гиёҳванд модда сотувчилар билан курашда ўзининг жанговар қобилиятидан фойдаланарди. Аммо унинг тўртинчи фильми — "Аждаҳонинг чиқиши" қутилмаган бўлди ва актёр учун у орзу қилган Голливуд сари йўл очди.

Бироқ 1973 йилнинг июлида Брюс Ли тўсатдан вафот этди. Докторлар мияга қон қуюлиши, деб ташҳис қўядилар. Бунга аспиринга қарши вужудга келган реакция сабаб бўлиши мумкин, деган хулосага келадилар. Унинг Гонгконгдаги дафн маросимига 25 мингга яқин одам йиғилди. "Унинг бевақт ўлими худди Жеймс Дин билан содир бўлганидек, кўплаб миш-мишларга сабаб бўлди", — деган эди Дэвид Паркинсон. Сценаристнинг сўзлашича, Брюс Лининг ўлимидан кейин унинг шахсига кўпроқ эътибор қарата бошладилар.

Қанча ҳайратланарли бўлмасин, Гонгконг кино санъати Брюс Лига ҳеч қачон Америка киностудиялари каби ҳурмат кўрсатмаган. Аммо ҳозир Гонгконг кинематографияси кунг-фу устасидан анчагина қарздор эканини англаб етаётир.

Яқинда Гонгконгда Брюс Лининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Баъзи хабарларга кўра, унинг номини Гонгконг юлдузлар Аллеясида умрбод қолдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Брюс Ли афсонаси унинг ўлганига 30 йил бўлган бўлса-да, ҳамон дунё бўйлаб тирик кезмоқда.

Мадаминбек БОЙМАТОВ тайёрлади.

ЎЗИМИЗДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Термиз шаҳридаги «Истиқлол» савдо марказида спорт кийимлари ва анжомлари ёйма савдоси ташкил этилди. Сотилаётган болалар кийимлари ва спорт анжомлари харидорларга манзур бўлмоқда. Айниқса, Қашқадарёдаги «Санам», «Каштекис», Хоразмнинг «Гурлан», «Хоразм», «Феруза» каби хиссадорлик жамиятларида тикилган ўттиздан ортиқ турдаги болалар спорт кийимлари савдоси чаққон бўляпти. Шунингдек, ёйма савдо расталарига қўйилган бошқа спорт товарларига ҳам талаб катта. Муҳими, уларнинг барчаси ўзимизда ишлаб чиқарилган.

АКМАЛНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Туркиянинг Истанбул шаҳрида кураш бўйича «Босфор кубоги» I халқаро турнири бўлди. Ушбу мусобақада икки юзга яқин полвон ғолиблик учун куч синашди. Юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилган полвонлар орасида оғирлиги 81 килограмм бўлган Акмал Усанов барча рақиблари курагини ерга текказиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

Вазни 90 килограммдан оғир полвонлар орасида Иброҳим Каримов финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратди. Бироқ асосий беллашувда иккинчи ўрин билан кифояланди.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

Наманган вилоятининг Поп туманидаги «Дўстлик» стадионида катталар ўртасида белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати муваффақиятли ўтди. Юзга яқин энг сара кураш устаси етти вазн тоифасида ғолиблик учун бел олишди. Аҳамиятлиси шундаки, чемпионатда тажрибали курашчилардан ташқари, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари совриндорлари ҳам қатнашди. 60 килограммгача полвонлар ўртасида Р.Умаров мамлакат чемпиони бўлди. 66 килограммгача курашчилар орасида С.Мирзадавлатов ғалабага эришган бўлса, 73 килограммли полвонлар ўртасида В.Каримов ғолиб чиқди.

У.Маматов 81 килограмм вазн тоифасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Оғирлиги 90 килограмм Н.Қозиев финалда З.Аҳмедовни мағлуб этди. 100 килограммли полвонлар ўртасидаги беллашувларда Анвар Абдумўминовга тенг келадигани топилмади.

Iltimos, menga sovg'a yuboringlar. Bo'lmasam oyim bilan dadam hech qachon "Bilag'on"ni olib berishmaydi. Men ham barcha bolalarga o'xshab gazeta o'qigim keladi...

U o'zini viloyat hukumatidan deb tanishtirdi va gap orasida 300 ming rublni xayriya maqsadlari uchun ajratishlarini so'radi.

Ko'ngil bitiklari

НАСИҲАТ

Фарзандларимга

Мард йигит элининг энг қиммат мулки,
Худо ёри, пирлар мададкоридир.
Йигитнинг зийнати, йигитнинг кўрки,
Покиза виждони, ғурур, оридир!

Вужудингда юртни асрагин кўзим,
Ўзлигинг унутма, ёдда тут ҳар он.
Алп Эр Тўнга кўзи, Бобурнинг сўзи,
Жаҳонгир Темурнинг юзи Туркистон.

Кўксида ватанин асраган ўғлон
Миллатин, элатин, тилин посбони.
Эртакмас, ҳақиқат Рустаму достон,
Алплари бор юртнинг бутундир нони.

ОНАЛАРНИНГ МИЛЛАТИ БИТТА

Оналарнинг миллати битта,
Тили битта, элати битта.
Алласи бир, тилаги бир хил,
Яшамасин қай замин, юртда.

Она соҳиб чин муҳаббатга,
Қароғлари кўрикчи бахтга.
Оналарсиз дунё, дунёмас,
Тўлар борлиқ ғамга, кулфатга.

Она забонидан томар бол,
Она-кўшиқ, умри безавол.
Йиқилганни болам деб, кучар.
Она буюк, муҳтарам аёл.

Етим-есир бошин силаган,
Синиқ дил кўзгусин улаган.
Фаришта у, нияти оппоқ,
Дунёга омонлик тилаган.

Мутаррам ЭГАМБЕРДИ қизи,
Хатирчи туманидаги
28-мактаб ўқитувчиси

КАМОЛАНИНГ КАМОЛИ



Истеъдодли, қобилиятли ўғил-қизлар юртимизнинг буюк келажагини барпо этадиган шахслардир.

Камола Эрматова ҳам ана шундай изланувчан, тиниб-тинчимас ёшларнинг бири. У 1986 йилда туғилган. Онаси ҳуқуқшунос бўлган Камолани тақдир Тошкент Давлат юридик институти қошидаги лицейга етаклаганида у ўз ҳаёт йўлини белгилаб олган эди. Энг аввало қаҳрамонимиздан у таълим олаётган даргоҳ, унга билим бераётган ўқитувчилари ҳақида сўрадик.

—Мен 1999 йили ташкил топган Тошкент давлат юридик институти қошидаги лицейнинг ижтимоий фанлар йўналишида таҳсил оламан. Ўз лицейим ҳақида фахр ва ғурур билан илиқ сўзларни айтишим мумкин. Чунки у ерда бизга кўнгли очиқ, дили пок устозлар сабоқ берадилар. Асосан тарих, ҳуқуқ, конституция, инглиз ҳамда француз тиллари чуқур ўргатиладиган илм масканимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Юнусобод туман бўлими томонидан ташкил этилган «Камолот» тўгараги ҳамда «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг филиали ишлаб турибди. Лицейимизда спорт билан шуғулланиш учун ҳам катта имкониятлар мавжуд. Чет элдан олиб келинган спорт анжомлари соғлом, бақувват бўлиб, ҳар томонлама чиниқишимизга ёрдам бермоқда. Директоримиз Дилмурод Назаровнинг она тили ва адабиёти, Конституция сабоқлари фанларидан ўқувчиларга дарс беришлари ҳам бизнинг илм олишга, ўқиб-ўрганишга бўлган ҳавасимизни оширади. Шунингдек, физика фани ўқитувчиси Дилором Пўлатова ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан бизга пухта билим берадилар.

— Камола, кўпчилик сизни «Қизлар давраси» кўрсатувининг бошловчиси сифатида яхши танийди. Бу кўрсатувга қачон ва қандай келиб қолгансиз? Адашмасам, икки йилдан буён ушбу кўрсатувда иштирок этасиз-а?

—2001 йилнинг июль ойида Тошкент шаҳар ҳокимияти «XX аср маликалари» деб номланган кўрик-танлов ўтказди. Унда иштирок этиб, 2-ўрин соҳибаси бўлдим. Мана шу танлов якунида сўзга чиққан Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳмонова танловда ғолиб бўлган қизлар иштирокида «Тошкент гўзали» кўрсатувини тайёрлаш ғоясини бердилар. Мана шу тантанада Ўзбекистон каналининг «Қизлар давраси» кўрсатуви режиссёри Лутфия Рўзибоева ҳам бор эдилар. Улар етти нафар қизни танлаб олиб, «Қизлар давраси» кўрсатувининг бир сонини тайёрлаш ниятини билдирдилар. Кўрсатувда Сир-ғали тумани шарафини ҳимоя қилиб қатнашадиган бўлдим. Омадим чопди. Ҳакамлар ҳайъати олий ўрин билан тақдирлашди. Шу-шу мазкур кўрсатувнинг энг фаол қатнашчиларидан бирига айландим, кўрсатув ижодкорлари менга катта ишонч билдиришди. Кейинчалик ўз томошабинига эга бўлган кўрсатувда бошловчилик ҳам қила бошладим.

Санъат соҳасидаги устозим Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобулова бўладилар. У киши менга эринмасдан, сидқидилдан қўшиқ куйлаш сирларини ўргатмоқдалар. Асосан классик йўналишдаги қўшиқларни, мақомларни мазза қилиб ижро этаман. Келгусида ҳуқуқшунос бўлмоқчиман. Аммо санъатни ҳам ташлай олмайман. Чунки санъат ҳар бир кишини яхшиликка ундайдиган, тўғри йўлга бошлайдиган бир воситадир.

Камоланинг сўзга чечанлиги, ҳар бир гапираётган сўзининг маънога бойлиги бизни ҳайратда қолдирди. У орзулари ҳақида гапирди, Ўзбекистон келажагининг буюк бўлишида ҳисса қўша олишини ғурур билан айтди. Бу орзулари улкан, ҳар бир ишга чин юракдан ёндашиб, ўз тенгқурларига ибрат бўла оладиган қизга омадлар тилаймиз. Камолинг бунда-да юксак бўлсин Камола!

Шарифа МАДРАҲИМОВА

Xullas...

ЖАЗОЛАБ БЎЛМАЙДИГАН ФИРИБГАР

Басавлат бир киши Тюмендаги "чўнтаги бақувват" фирмага кириб келди. У ўзини вилоят ҳукуматидан деб таништирди ва гап орасида 300 минг рублни хайрия мақсадлари учун ажратишларини сўради. Амалдорни шахсан танимаган, аммо унинг фамилиясини эшитган фирма ходимлари ўз ҳисоб рақамларидан айтилган пулни олиб, "меҳмон"га муҳайё қилишди.

Орадан бир қанча муддат ўтиб, фирма иқтисодий таназзулга юз тутди ва унинг ишларини текшириш зарурияти туғилди. Ҳалиги 300 минг рублни ўмариб кетган амалдор суриштирилганда эса, у мутлақо бошқа одам бўлиб чиқди. Фирибгар устидан жиноий иш қўзғатилганда, у тиббиёт экспертизасининг хулосасини келтирди. Қоғозда бу маккор одамнинг руҳий жиҳатдан касал эканлиги ва ҳисобда туриши қайд қилинган эди. Бундай касаллар эса жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Руҳий касал киши бундай ишни амалга ошира олмайди, деган шубҳага борган фирма ходимлари энди қандай йўл тутишга ҳайрон. Афтидан, "тентак" экспертиза хулосасини ҳам пулга сотиб олган кўринади.

БУТАЗОРДА... РОЯЛЬ

Москва вилоятининг Клин шаҳарчасидан унчалик узоқ бўлмаган жойда Геннадий Ефимов деган пенсионер қўзиқорин теришга чиқиб, бутазорлар орасида ҳақиқий роялга дуч келди.

Бу мусиқа асбобининг оёқлари синган бўлишига қарамасдан, қопқоғини бемалол очиб-ёпиш мумкин эди. Ишлатса бўладиган аҳволдаги пианинони кўргач, отахоннинг кайфияти кўтарилиб кетди. Ўғиллари уни дала ҳовли ҳудудига келтиришди. Энди Геннадий Ефимовнинг боши қотди, топилмани нима қилиш мумкин? Яхшилаб таъмирдан чиқарилгач, уни неварасининг ихтиёрига беради. Ўғиллари пианинодан ул-бул солиб қўядиган яшик сифатида фойдаланиш мумкинлигини айтишганида, чолнинг жаҳли чиқди. Ахир туппа-тузук мусиқа асбобини ивирсиқ соладиган буюмга айлантириш увол-да...

Бу пианинони қайси аҳмоқ бутазорга ташлаб кетган экан? Ефимовни ана шу савол қийнаса-да, у бундан хурсанд.

СУПЕР-САРТАРОШ

Рафаэл Бомзе Исроилнинг Гиват-Хайим шаҳарчасидаги энг таниқли ва тилга тушган кишилардан биридир. У қўшиқ айтмайди, сурат чизмайди, шеър ёзиб ҳам ҳеч кимни ҳайратда қолдирган эмас.

Оддийгина сартарошлик касби ҳам одамни эл ичра маълуму машҳур қилар экан. Фақат калланы ишлата билиш лозим, дейди сартарош.

Хўш, Рафаэл қандай қилиб тилга тушди? У ўрта бармоғининг ораларига олти жуфт қайчини жойлаштира олади ва мижозининг сочларини бип-бинойи тартибга солади. Соч қирқиш мобайнида у тарокдан ҳам фойдаланадики, қайчилар қўлида тураверади!

Мижозлар таърифида "суперсартарош" номини олган Рафаэл Бомзе шуни таъкидлайдики, бу каби ноанъанавий усулда бетакрор турмаклар қилиш мумкин.

Бу — Исроилда нашр қилинадиган "Джерузалем пост" газетасидан олинган хабар.

ana shunaqa gaplar

КИТОБ АЗИЗМИ ЁКИ...

Мактаб кутубхонасининг шу кунги диққат-эътибори мустақил республикамиз учун комил инсонларни тарбиялаш, улардаги она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий мафкура ва миллий ғояни ёш авлод онгига сингдириб боришга қаратилган. Жумладан, бизнинг мактабда ўтган 2002-2003 ўқув йилида китоблар байрами, дарслик ва бадиий адабиётларни юритиш кўриклари бўлиб ўтди. Энг қизиқарли нашрлар тўғрисида библиографик суҳбатлар уюштирилди.

Бундан беш йил аввал синф кутубхоналари ташкил этиш ташаббуси бошланган бўлиб, ҳозирда у яхши самара бермоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бундай кутубхоналар ўқув хонасининг қайси фан асосида мўлжалланганлигига қараб ташкил этилиши керак. Ўтган ўқув йилида 3-"А", 6-"Б", 11-"А" синфларида она тили ва адабиёт ҳамда биология фанларидан ташқари бадиий китоблар, расм ва фотосуратлар тўплаш ҳам намунали йўлга қўйилди. Ўқувчиларимиз учун туманимиздан етишиб чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи марҳум М. Цой, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Ҳабиб Умаров, олий тоифали ўқитувчи Маҳмуд Шомирзаев, меҳнат фахрийси Байдулла Маматовларнинг фаолиятлари, ҳаётлари ҳақида мароқли суҳбатлар ўтказилди. Шуни таъкидлаш жоизки, юқорида исми тилга олинган инсонларнинг шахсий кутубхоналарида жаҳон ва ўзбек адабиётининг сара асарлари жой олганлиги кишини қувонтиради. Айни пайтда ўқувчиларимиз улардан баҳолилик қудрат фойдаланиб келмоқдалар.

Шу ўринда мен ўз шахсий кутубхонам ҳақида тўхталмоқчиман. Бугун китобларим сони 1800 дан зиёд бўлиб, уларни бебаҳо бойлигим деб ҳисоблайман. Кутубхонамдан фойдаланиб келувчилар сони бугун юз нафардан ошади. Китобларни нормал хона шароитида сақлайман, вақти-вақти билан хона ҳавоси янгилаб турилади. Шундагина китоб саҳифалари сарғаймайди, йиртилиб яроқсиз бўлиб қолмайди.

Кези келганда шуни айтишим керакки, китобхонлар ҳам ҳар хил бўлади. Бир гал танишим бир нечта бадиий китоб сўради. Мен истар-истамас унинг хоҳишини бажардим. Чунки унинг китоб ўқиганлигини, мутолаа қилганини билмайман. Қарангки, орадан тўрт-беш ой ўтгач ўзим уйига бориб китобларни зўрға қайтариб олдим. Баъзилар эса умуман қайтариб беришмайди, "ҳа шунга ҳам шунчами, ўзи бир китоб бўлса", деб энсасини қотиради. Бундай кўнгилсиз ҳоллар баъзида ўқувчиларимиз орасида ҳам учраб туради.

Кутубхоначи ва ўқитувчиларнинг асосий вазифаси ёш авлод қалбида халқимизнинг маданий, маърифий, тарихий ёдгорликларини, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизга эътиқод туйғуларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Бунда эса ўқувчиларимизнинг китобга бўлган муносабатларини яхшилаш, муҳаббатини ошириш керак, деб ўйлайман. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, қоғоз нархининг бир мунча баланд эканлиги, матбаачилар меҳнатининг нечоғлик машаққатли эканлигини тушуниб, уни қадрлаган ҳолда мактаб кутубхонаси фондидаги дарслик ва бошқа турли адабиётларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлмоғи лозим.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилоят Баллаорол туманидаги
78-ўрта мактаб ўқитувчиси



Муаллима ўқувчи кундалигига "Маша жудаям маҳмадона" деб ёзди. Буни ўқиган ота жавоб ёзди: "Сиз унинг онасини эшитганингизда эди".

***

Дугоналар учрашиб қолишди:

— Метрода бир йўла уч эркак менга жой беришди.

— Хўш, сен у ерга сиғдингми?

***

Ҳаким беморга:

— Вазнингиз қанча?

— Ҳозир 116 кг, энг кўп 121 кг бўлган.

—Ози-чи?

— 3 кг 600 грамм.

Mulohaza

БОЛАНИНГ КЎНГЛИ БИЛИМДА, ОТА-ОНАНИНГ-ЧИ?

Ушбу мақолани ёзишга бир воқеа сабаб бўлди. "Эрудит — Билағон" газетасини яхши биласиз. У ўқувчи ёшлар учун чоп этиладиган турли қизиқарли мақолалардан, боланинг билим доирасини кенгайтириб, зийраклигини чархлайдиган бошқотирмалардан иборатдир. Рус ва ўзбек тилида чиқадиган ушбу газетани фарзандларимиз қизиқиб ўқиб боришади. Диққатга молик жиҳати, газетада ёш мухлисларимизнинг шеърлари, топишмоқлари ҳам бериб борилади. Танишув саҳифаси орқали турли вилоятлардаги болалар бир-бирлари билан дўстлашадилар. Бир куни ишхонага келсам, Нодира исмли ҳамкасбим хафа бўлиб ўтирибди.

— Қаранг, қандай лоқайд, қаҳри қаттиқ ота-оналар ҳам бор, — деди куюниб ва ҳозиргина бир қизча билан бўлган суҳбатини сўзлаб берди. Шоира исмли қиз қўшнисидан "Билағон"ни сўраб олида, ундаги ўйинни ечиб, конвертга солиб Самарқандга жўнатади. Албатта купон шартига кўра расмини ҳам юборади. Онаси ишдан қайтгач унга хурсанд бўлиб бу ҳақда айтади. Шунда она "нега расмингни дуч келган ерга юборасан?" дея фарзандининг юзига шапалоқ тортиб юборади. Яна қизчанинг кўнглини ўкситиб шарт қўяди. Агар совға келмаса, иккинчи ўша газетани ўқимайсан дейди. Қизчанинг йиғлаб айтган илтижосини эшитинг-а:

— Илтимос, менга совға юборинглар. Бўлмасам ойим билан дадам ҳеч қачон "Билағон"ни олиб беришмайди. Мен ҳам барча болаларга ўхшаб газета ўқигим келади...

Наҳотки газета ўқигани, ундаги бошқотирмани ечгани учун она ўз фарзандини жазоласа. Қизчадан гап орасида ота-онасининг иш жойини суриштирилганда, бири милиция ходими, бири қўшиқчи эканлигини айтган. Ўз фарзандига бунчалик масъулиятсиз ота-онадан қандай қилиб халқ посбони ҳамда маданият кишиси етишиб чиққанига ҳайрон қоласан.

Таҳририятга бу мазмундаги қўнғироқлар кўплаб бўлиб туради. Жажжи муштарийлар ота-оналари газетага пул бермасликлари ёки киоскадан олиб беришга уларнинг вақтлари йўқлигидан шикоят қиладилар. Демак фарзандларимиз изланишга, мутолаага чанқоқ эканлар, нега биз катталар уларга эътибор бермаймиз. Ҳафтада бир марта чиқадиган "Билағон" газетаси — 130 сўм, лекин ота-оналар ҳар куни фарзандига 200-250 сўмлик музқаймоқни оғринмай олиб берадилар. Болаларнинг билимидан кўра нафсига кўпроқ эътибор берсак, уларнинг дунёқарашини бузиб қўймаймиз-ми? Таҳририят айни пайтда болажонларнинг истак-хоҳишларини инобатга олиб янги лойиҳани режалаштиришга бел боғлаган. Яъни, "Билағон" ўқувчиларга ўз мактаблари орқали тавсия этилади. Бунда газета мактабга 100 сўм нархда юборилиб, таннархнинг қолган 30 сўми ўша мактабнинг фондига, таъмирлаш ва маънавий ишлар учун ҳомийлик тарзида юборилади. Бир ҳисобдан, қизиқувчан бола узоқ масофадаги киоскага бориб юрмайди ёки бўлмаса ота-она вақтим йўқ дея боласининг кўнглини ўкситишига ҳожат қолмайди. Бу хайрли режамизга таълим, маданият раҳбарлари, мактаб жамолари қандай фикр билдирадилар?

Киоскачиларнинг таъкидлашича рус миллатига мансуб ота-оналар янги газета келмасдан туриб боласи учун буюртма бериб кетаркан. Ҳаттоки ўзлари фарзандлари билан биргалашиб муҳокама қилар экан. Биз-чи?!

Раъно МАҲМУДОВА

ГЕОКРОССВОРД

Тузувчи: Тўра ҲОШИМОВ

	Япон шаҳри; Афсонавий қуш; ...-Бухорий	Автобус русуми; Спорт фирмаси; Осиё (оссурийча)	Идиш; Россия шаҳри; «Сангам» қаҳрамони	Волида; Пардоз воситаси; Деҳли атрофидаги шаҳар	Молия муассасаси; Бошлиқ; Жумла	Бошланиш; От анжоми; Миллат	Ўлчов бирлиги; Бог; Индонезия ороли	Сув спорти тури; Юқори Вольта шаҳри; Самолёт	... ва Жульетта; Эркак туя; ...қанд	Германия шаҳри; Чили порт шаҳри; Бол	... Черчилл; Пальма тури	Чуқурлик; Орол (Тинч океани); Ўрта Урал шаҳри
Билим манбаи; Тоқат; Чўл кемаси												
Диний расм; Учлик (мусиқа); Шаҳар (Италия)												
Матбуот, радио,ТВ; Курорт шаҳар; Қурол												
Самолёт зинаси; Вулқон оғзи; Нота												
Фин шаҳри; Россия телеканали; Ўйин												
Қарз; Аляска дарёси; БМТ (рус)												
Кийим қисми; Латвия пойтахти; Аляска шаҳри; ...-Йорк												
Жанубий Уралдаги шаҳар; Кончилар шаҳри												
Шарқий Европа давлати; Автошаҳар												
Испан ф/ж; Сибир темир йўли; Боғловчи;Шарбат												
Феъл-...; Мали пойтахти												
Ал-...(университет); Рейн ирмоғи; Михаил ...; Шикор												
Франция дарёси; Бўлмаган гап; ...кин, ...ҳил; Нота												

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-566.
Тиражи 19619. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Насиба ЭРҲОНОВА,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди — 21.00